## ГАРОВГА ТРАКТОР?

***Ўғлим олий ўқув юртининг иккинчи курсида ўқийди. Унинг ўқиш контракт пулини тўлаш мақсадида банкдан таълим кредити олиш учун борсам, банкдагилар гаровга трактор қўйиш керак деб айтишди. Шу тўғрими?***

5 бет

## ЗЎРАВОН ОДАМФУРУШЛАР

***— Агар сен мендан яна пул сўрасанг, шу ерларда ўлиб кетасан, — деди дағдаға билан. Йигитлар ҳам қараб туришмади, унга қўшилиб дўқ-пўписа қилишди. Тоҳир бунга ҳам қаноатланмай қўлидаги калтак билан уни роса урди.***

8 бет


# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2012-yil 11-oktabr, №41 (822)




**Республикамизда 2012-2013 ўқув йилида 9763 та умумтаълим мактабларида 4,5 млн. дан ортиқ ўқувчи таълим олишни давом эттирмоқда, жумладан, бу йил 500 мингдан ортиқ болалар 1-синфга қадам қўйди. Шунингдек, кам таъминланган оила фарзандлари қишки кийим-бош тўплами билан, якка тартибда уйда таълим олувчи ўқувчилар зарурий ўқув қуроллари ва дарсликлар билан бепул давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланди. Бу юртимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий ҳимоя ва ёшларга оид оқилона давлат сиёсатининг ёрқин мисолидир.**

*Жараён*

# Оила – муқаддас қўрғон

***Халқимизда оила билан боғлиқ ўзига хосликни минг йиллар давомида ҳаёт синовларидан ўтиб келаётган никоҳнинг муқаддаслиги, ота-онанинг фарзандлар, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчи, ўзаро иззат-ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, ибо-ҳаё, оила шаъни ва номусини асраш каби ҳамма бирдек итоат этадиган қонунлар мажмуасидан иборат, дейиш мумкин. Оила шаъни ва номусини пок сақлаш миллатимизнинг энг улуғ фазилатларидандир.***

Бу йўлда жон фидо қилишгача борган аждодларимиз жасоратлари тарихий асарлар, адабиётимиз, халқ оғзаки ижоди ва санъатимиз орқали бизгача етиб келган. Тўмарис босқинчиларга қарши ўз юрти ва оиласининг шаъни, эрки ва озодлигини ҳимоя қилиш учун курашган. Алпомиш севгилиси Барчинни қутқариш учун узоқ Қалмоқ юртига борган. Соҳибқирон Амир Темур оила шаъни ва номусини ҳар нарсадан устун қўйган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Буюк аждодларимиз ҳаётидаги кўплаб воқеалар оила билан Ватан муштарак тушунча бўлганлигини исботлайди. Ватанга тенглаштирилган оиланинг ҳар бирини мамлакат ичидаги митти мамлакат, дейиш мумкин. Оилада фарзандлар тарбияланиб, уларга умуминсоний қадриятларни сингдириш билан бошланғич ижтимоий йўналиш берилади. Ўз фарзандларини катта оқимга — жамиятга қўшиш билан эса оила жамият йўналиши, иқтисодиёти, маданияти ва маърифатини ҳам белгилашга ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун ҳам Шарқда оила қадим-қадимдан муқаддас қўрғон ҳисобланиб келинган. Хусусан, ўзбек оилаларидаги миллийлик, ор-номуслилик хусусиятлари ҳозиргача хонадон устуни ҳисобланади.

Халқимизнинг тежамли ва саришта рўзғор тутишида, фарзандларининг одобли, маънавий етук бўлиб камол топишида кексалар ва ота-оналарнинг роли катта.

Ўзбек оилалари мустаҳкамлиги, саранжом-саришталиги, болажонлиги, қариндош-қондошлик ришталарини ҳурмат қилиши, меҳр-оқибатлилиги ва бошқа қадриятлари билан ажралиб туради. Яхши умид, меҳр-муҳаббат билан қурилган оилада эр-хотин доимо бир-бирини тушунади, ҳурмат қилади, асраб-авайлайди.

Оила мустаҳкамлигини таъминлашда ота-она обрўсининг ўз ўрнида бўлиши муҳим ҳисобланади. Ота-оналарнинг самимийлиги, меҳр-оқибати ва ғамхўрлиги фарзандларига ибратдир. Оила тарбиясида доимий таъсирчан куч бу оилавий тартиб, яъни оила аъзоларининг бир-бирига бўлган муносабати, ота-она ва бошқа катта ёшли қариндошларининг хулқ-атвори, маданий ва сиёсий савияси, муомала маданияти, оиланинг даромади ҳамда яшаш шароити каби омиллардир. Оила қанчалик тартибли эканлиги, унинг аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабат кўп жиҳатдан ота-онага боғлиқ. Катталарга ҳурматда, эътиборда бўлиш халқимизнинг ажойиб қадриятларидан биридир. Ота-оналар фарзандларининг хулқ-атвори, ахлоқи, маданияти учун жамият олдида жавобгардирлар. Ўз ўрнида фарзандлар ҳам ота-оналарининг энг яхши жиҳатларидан намуна олишлари, уларни ҳурмат қилишлари керак.

Республикамизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб оиланинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасида улкан ва самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати оила масалаларига давлат сиёсати даражасида бажарилиши лозим бўлган устувор вазифа сифатида қарайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасига кўра, оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади, у жамият ҳамда давлат томонидан муҳофазада бўлиш ҳуқуқига эга. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича бошқа қонуний ҳужжатлар ҳам қабул қилиниб, амалий тадбирлар белгиланган. Жумладан, "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида"ги 1994 йил 23 августда Фармон қабул қилиниб, муҳтож оилаларга моддий ва маънавий ёрдам беришнинг кўлами кенгайтирилди.

/Давоми 3-бетда/

*Тадбир*

***Жорий йилнинг 5 октябрь куни СВОЖЖДЛҚК Департаментининг мажлислар залида прокуратура органлари тизимига янги ишга қабул қилинган ёш мутахассислар ҳамда прокуратура соҳасида узоқ йиллар давомида самарали меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини суриб келаётган фахрийлар билан учрашув бўлиб ўтди.***

# Фахрийлар билан учрашув

**Гули ҲОЖИБОЕВА,**
«Huquq»

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази раиси Ботир Калонов ўз маърузаси билан очиб, ёш мутахассисларни ташриф буюрган фахрийлар Мирзаанвар Мирзаев ва Эркин Азимовлар билан таништирди. Маърузачи Марказнинг ташкил этилиши, фаолияти, мақсад ва вазифалари тўғрисида батафсил маълумот берди. Шунингдек, Республика прокуратураси тизимида қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ёш кадрларни касбга садоқат руҳида тарбиялаш борасида ўз билими, бой ҳаётий тажрибасини ўргатиб келаётган фахрийларнинг алоҳида ўрни ва ролини таъкидлаб ўтди.

Маълумки, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамиятини қуриш борасида ёшлар билан бир қаторда кекса фуқароларимиз ҳам фаол иштирок этиб келмоқдалар. Мирзаанвар Мирзаев 38 йил, Эркин Азимов 35 йилдан ортиқ прокуратура органлари тизимида самарали меҳнат қилган фахрийлардан. Улар ушбу давр мобайнида фуқаролар, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида самарали меҳнат қилганлар. Фахрийлар ўз иш тажрибалари ҳақида ёш мутахассисларга сўзлаб берар экан, энг аввало, қонун талаб этадиган барча вазифаларни сидқидилдан ва адолат тамойилларига таянган ҳолда бажариш прокуратура ходимининг бурчи эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Мазмунли ва қизиқарли ўтган учрашув ёш мутахассисларнинг келгуси иш фаолиятларида муҳим ўрин тутишига ишонамиз.


## Обуна — 2013

**2013 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга «Матбуот тарқатувчи» АК ва барча почта бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.**




НАШР ИНДЕКСИ – 231

# Меҳнат ва бандлик муаммолари ҳал этилмоқда

**Фарҳоджон ИСМОИЛОВ,**
Фарғона шаҳар прокурори

***Шаҳар прокуратураси аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги қонунчилик ижросини доимий равишда таҳлил этиб бормоқда. Бу орқали эса янги иш ўринлари яратишнинг манзилли дастури ижросининг таъминланиши алоҳида эътиборда бўлмоқда. Бу дастур бўйича 2012 йилда 8778 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Ўтган тўққиз ой мобайнида режадагидан кўпроқ, яъни 6861 та янги иш ўринлари яратилди.***

Аниқланишича, йил бошидан буён бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига 6326 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат этган. Уларнинг 5500 нафари, жумладан, 2048 нафар аёллар саноат, транспорт ва алоқа, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш, коммунал ва маиший хизмат корхоналарига, илм-фан масканларига, фермер хўжаликлари ва бошқа соҳаларга ишга жойлаштирилган, 952 нафар фуқарога ишсизлик мақоми берилиб, уларнинг 553 нафари жамоат ишларига, 395 нафари қайта ўқитишга юборилган, 4 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланган.

Шаҳар прокуратураси томонидан жазони ўташ жойларидан қайтган фуқароларни ишга жойлаштириш масаласи алоҳида назоратга олинган. Кўрилган қатъий чоралар натижасида ўтган тўққиз ой мобайнида бу муассасалардан озод этилган меҳнатга лаёқатли 153 нафар шахсларнинг 104 нафари кволанган иш ўринларига жойлаштирилди. 33 нафари мустақил равишда ишга кирди. Тиббий кўрикда ногирон, меҳнатга лаёқатсиз деб топилган, шунингдек, пенсия ёшидаги 29 нафар шахсларни ижтимоий муҳофазага олиш қонуний ҳал этилди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича анъанавий уч томонлама шартномалар тузилмоқда. Бундан ташқари, шаҳар прокуратураси ташаббуси билан шаҳар ҳокимлиги, бандликка кўмаклашиш маркази томонидан ташкил этилаётган бўш иш ўринлари ярмаркаларида битирувчи ёшлар, вақтинча ишсиз фуқаролар ўзларига мақбул корхона ва муассасаларга ишга кириш имкониятига эга бўлмоқдалар. Ўтган тўққиз ойда шаҳарда мавжуд коллежларда, "Офицерлар уйи", "Нефтчилар санъат саройи", Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиалида, Ал-Фарғоний номли истироҳат боғида 8 маротаба бўш иш ўринлари учун меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Уларда "Фарғонаазот" бирлашмаси, Фарғона нефтни қайта ишлаш, "Автоойна" каби йирик корхоналар билан бир қаторда турли муассаса ва ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари ўзларидаги бўш иш ўринларига таклифлар билан чиқишди. Меҳнат ярмаркаларига 9258 нафар фуқаролар, жумладан, 3911 нафар ёшлар ташриф буюришди. Уларнинг 2961 нафарига, булардан эса 1564 нафар битирувчига ишга жойлашишлари учун йўлланмалар берилди. 6181 нафар фуқаро эса ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича меҳнат қонунчилиги, меъёрий ҳужжатлар асосида йўл-йўриқ ва маслаҳатлар олишди.

2011-2012 ўқув йилида шаҳардаги 19 та касб-ҳунар коллежларини битирган йигит-қизларнинг 6402 нафари корхона ва ташкилотларда ишга жойлашишди. Шунингдек, тижорат банклари томонидан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ниятида бўлган 82 нафар битирувчига кредит сертификатлари топширилди. Айни пайтда уларнинг 29 нафарига 79 млн. сўм кредит ажратиб берилди.

Шаҳар прокуратураси томонидан аҳолини иш билан таъминлашга оид қонунчилик ижроси таҳлилларида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

***Дунё ҳамжамияти юз бераётган турли хил кўнгилсизликлар, қўпорувчиликлар сабаб, бугунги кунда хавфсизликни таъминлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Республикамизда бу борада кенг кўламдаги ишлар амалга оширилиб, чегараларимизнинг мустаҳкамлигига жиддий эътибор берилаяпти. Аммо шунга қарамай, давлатимиз чегарасидан ноқонуний йўллар орқали ўтишга бўлган уриниш учраб турибди.***

# Вагонга яширинган одам

**Зафарбек ТУРСУНОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурорининг катта ёрдамчиси

2012 йил 25 июнь куни "Келес" темир йўл бекати Сарағач-Келес перегонининг 3347 км.да юк поездининг вагонини чегара назорати ходимлари томонидан текширилганда, бу ерда биқиниб ўтирган бир кишига кўзлари тушди. Унинг ҳужжатлари сўралганда паспорти йўқолганлигини айтиб, ўзини Иқбол Аҳмедов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) деб таништирди.

Маълум бўлишича, Иқбол пул ишлаб топиш мақсадида жорий йилнинг май ойида Тошкент вилоятида жойлашган "Черняевка" чегара маскани орқали қонуний йўл билан қўшни Қозоғистон Республикасига ўтади. У ердан автобусга ўтириб, Астана шаҳрига йўл олади. Қозоғистон пойтахтидан ўзига иш топиб, меҳнат қилиб юрган вақтида фуқаролик паспортини йўқотиб қўяди. Шундан сўнг у ердаги иммиграция бўлимидан паспортини йўқотганлиги ҳақида 2012 йил 8 июндан 18 июнгача бўлган муддатга маълумотнома олади. Бироқ маълумотнома муддати тугаб бораётганига қарамай, ортга қайтишни пайсалга солаверади. Натижада 25 июнь куни Ўзбекистонга ноқонуний йўл билан ўтиб олиш учун Қозоғистон Республикасининг Сарағач темир йўл бекатига келади. У бу ердаги вазиятни ўрганиб, бекатда турган бўш вагонга яширин йўл билан жойлашиб олади. Иқбол шу орқали мамлакатимиз чегарасидан ноқонуний равишда ўтмоқчи эди, аммо... Чегара назорати ходимлари томонидан ушланган бу шахс ҳозир қилмишидан пушаймон бўлиб ўтирибди.

Жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди томонидан Иқбол Аҳмедовнинг қилмиши кўриб чиқилиб, ЖКнинг 223-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилди ва унга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

# Халқаро пул ўтказмаларидаги қинғирликлар

**Рустамжон РАҲИМОВ,**
СВОЖЖДЛҚК Департаменти бўлим бошлиғи ўринбосари

СВОЖЖДЛҚК Департаменти органлари томонидан валюта маблағларининг ноқонуний муомалага киритилиши борасида бир қатор самарали тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Натижада валюта маблағларининг "қора бозор"ларда, валюта айирбошлаш шохобчалари орқали ноқонуний муомалага киритилиши, валюта тушумининг қасддан яширилиши каби ҳолатларга чек қўйилмоқда.

ДТ "Халқ банки"нинг Ҳамза филиали бошқарувчиси Зокир Саломов (исм-фамилиялар ўзгартирилган), филиалнинг "Western Union", "Unistream", "Contact WG" халқаро пул ўтказмалари тизими етакчи мутахассиси Ж.Ҳотамова ва филиал бош ҳисобчиси Ш.Бердиқуловалар банк тизимининг айрим мансабдор шахслари билан тил бириктириб, жуда кўп миқдордаги валюта маблағларининг талон-торож қилинишига йўл қўйганлар.

Жумладан, филиал бошқарувчиси З.Саломов ва бошқа банк ходимлари амалдаги банк қонунчилигига зид равишда филиалда ўзбошимчалик билан ўрнатилган "WI-FI" симсиз алоқа симидан фойдаланиб келиб, "Contact WG" халқаро пул ўтказмалари тизими ўрнатилган компьютернинг байрам кунлари, яъни 2011 йилнинг 31 августидан 2 сентябрига қадар узлуксиз ишлаб туришига йўл қўйганлар.

Оқибатда банкнинг айрим мансабдор шахслари 2011 йилнинг 1 сентябрь куни "Contact WG" халқаро пул ўтказмалари тизимига киришиб, кўрсатилган яшаш жойларида истиқомат қилмайдиган 46 нафар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари номидан 229,8 минг АҚШ доллари миқдоридаги нақд чет эл валюта маблағларини гўёки банкка кирим қилинган деб кўрсатиб, РФнинг "РУССЛАВБАНК" ЁАЖ хизмати орқали Қозоғистон Республикаси Алма-Ата шаҳрида жойлашган "Темур Банк"нинг халқаро пул ўтказмалари тизимига 5 нафар Қозоғистон Республикаси фуқаролари номига юборишиб, жуда кўп миқдордаги валюта маблағларини талон-торож қилишган.

Суд томонидан қонунбузарларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

# Тадбиркор йўлдан адашса...

**Мурат ХАЛИЛОВ,**
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Бектемир туман бўлими бошлиғи

***Тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятидаги улуши йил сайин ортиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Ўз бизнесини йўлга қўйиш орқали халқимиз фаровонлиги, эл маъмурлиги йўлида хизмат қилаётган минглаб ишбилармон юртдошларимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли янги иш ўринлари очилиб, муҳим ижтимоий муаммолардан бири бўлган аҳоли бандлиги масаласи ижобий ечим топмоқда.***

Улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ички бозорни тўлдириш баробарида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остида хориж давлатларига экспорт қилинаяпти. Буларнинг барчаси юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга яратиб берилган қулай шарт-шароитлар самарасидир. Бироқ "тадбиркор" ниқоби остида ўз манфаатлари йўлида давлатимиз томонидан яратиб берилаётган қулай имкониятларни суиистеъмол қилаётган, амалдаги қонунлар талабларига зид равишда фаолият юритиб, қонунларни четлаб ўтишга уринаётганлар ҳам учраб турибди.

СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Бектемир туман бўлими ходимлари томонидан "ULKAN BUNYODKOR OHANGARON" МЧЖ фаолияти ўрганилганда, жамиятнинг мансабдор шахслари ўз фаолиятлари давомида чет эл валютасини яшириб, жуда кўп миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаб, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишганликлари аён бўлди.

Корхона мансабдор шахслари Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги "Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2001 йил 22 июндаги "Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорларида белгиланган имтиёзлардан ноқонуний фойдаланиш мақсадида, Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Ғалла-қудуқ МФЙ жойлашган "Наврўз" фермер хўжалиги раҳбари С.Шарафутдинов билан ижара шартномаси тузишган ва фермер хўжалиги омбори ҳамда биносини ижарага олишган. Улар бинони гўёки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб, қайта ишлаш учун расмийлаштиришган, аслида у ерда ҳеч қандай маҳсулотлар қайта ишланмаган. Шундай бўлса-да, ваколатли органларга тақдим этган ҳужжатларда 1 млн. 246 минг АҚШ долларига тенг қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг етиштирилганлиги тўғрисида сохта маълумотлар тақдим этиб келишган. Улар фаолиятлари мобайнида маҳсулотларни Қозоғистон Республикасига экспорт қилишган. Ундан тушган 1 млн. 246 минг АҚШ долларидан 50 фоиз мажбурий сотувни амалга оширмаган, яъни жамият томонидан 623 минг АҚШ долларини бюджетга мажбурий сотишни яширишган.

Шунингдек, "ULKAN BUNYODKOR OHANGARON" МЧЖ мансабдор шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги қарорида ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни валютага сотиш ҳиссаси 30 фоиз ва ундан юқори бўлса, солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилиши тўғрисидаги имтиёздан ноқонуний фойдаланиш мақсадида, 2011 йил давомида жамият экспортга чиқарган мева-сабзавот ва полиз экинлари ўзларида етиштирилмаган ва қайта ишланмаган бўлса-да, тузилган ҳисоботларда экспорт қилинган 2,2 млрд. сўмлик маҳсулотлар жамиятнинг ўзи томонидан ишлаб чиқарилганлиги тўғрисида сохта маълумотлар тайёрланган. Бу эса имтиёзлардан ноқонуний фойдаланиш учун етарли эди. Шу орқали жамият раҳбарлари амалда қўлланилиши лозим бўлган 5 фоиз солиқ ставкасида 110 млн. ягона солиқ ўрнига, 2,5 фоиз солиқ ставкасида 55 млн. сўмлик ягона солиқ ҳисоблаб, ҳисоботларда 55 млн. сўмлик ягона солиқни камайтириб, жуда кўп миқдордаги солиқларни тўлашдан бўйин товлаган.

Жиноят жиноятга йўл очади деганларидек, "ULKAN BUNYODKOR OHANGARON" МЧЖ томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги 280-сонли "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори талабларига зид равишда экспортга чиқарилган 2,2 млрд. сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари аҳолидан нақд пулга харид қилиниб, банкдан ташқари нақд пул айланмасини амалга оширган. Шунингдек, яна кўп ҳолатларда жамият томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари бузилганлиги текширишлар натижасида аниқланган.

Мазкур ҳолат бўйича бўлим томонидан "ULKAN BUNYODKOR OHANGARON" МЧЖ раҳбари Қ.Матяқубов ва бошқа мансабдор шахсларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди. Бу ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди айбдорларга қонуний жазо тайинлади. Дастлабки тергов жараёнида жамият томонидан 128703,7 минг сўм қўшимча ҳисобланган солиқларнинг ундирилиши таъминланди.

# Оила — муқаддас қўрғон



/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Оиланинг жамият равнақ топишидаги тутган ўрнини ва иштирокини янада ошириш, оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий манфаатларини ва фаровонлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш ҳамда изчил таъминлаш мақсадида Президентимиз 1998 йилни "Оила йили" деб эълон қилди. Шунга асосан оила манфаатларини таъминлаш борасида амалга ошириладиган тадбирлар тўғрисида Давлат дастури ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида Республика "Оила" илмий-амалий маркази ташкил этилди. Оилавий ҳаётни ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида Ўзбекситон Республикаси Оила кодекси қабул қилинди.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида 2012 йилга "Мустаҳкам оила йили" деб ном беришни таклиф қилиб, оила институтининг халқимиз ҳаётида таянч ва суянч эканлигини, жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўғини ташкил этишини таъкидлаб, "Биз маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда тобора кучайиб бораётган, бизнинг миллий табиатимиз, урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай зарарли таъсирлар, бузғунчи ғояларга қарши туришда, азалий қадриятларимизни асраб-авайлашда оилани мустаҳкам таянч деб биламиз.

Шу борада ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, ўз мустақил фикрига эга, оқни қорадан ажратишга, тараққий топган давлатлар билан беллашишга қодир бўлган авлодни тарбиялаш, ҳаётга йўллашда оиланинг ўрнини ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмаслигини биз юксак қадрлаймиз", дея эътироф этган эди.

Оила — муқаддас қўрғон, дейилади. Биргина шу иборанинг оилага нисбатан ишлатилишида чуқур маъно ва мазмун мужассам. Зотан, миллатнинг эртанги кунига дастлаб оилада пойдевор қўйилади, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи авлод шаклланади. Миллий маданият, урф-одатлар, маънавий-ахлоқий қадриятлар асраб-авайланади, жамият тараққиётининг иқтисодий фаровонлик ва маданий юксалишларига асос солинади.

Оилада аёлларга бўлган эътибор ва ҳурмат азал-азалдан қадрланиб келинган. Негаки, аёл — она, у фарзандни дунёга келтиради, тарбиялайди. Унинг ҳақиқий инсон бўлиб улғайиши биринчи галда оналарнинг маънавияти, маданияти ва саломатлиги билан боғлиқ.

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятида инсон ва унинг манфаатлари устувор экан, биз кўзлаган мақсадларга эришишда ҳаётимизнинг таянчи ва суянчига айланган оиланинг ўрни беқиёс каттадир. Оиланинг мустаҳкам бўлиши кўп жиҳатдан оила қураётган икки ёшнинг саломатлиги, ақл-заковати, маънавий фазилатлари, оила ва жамият олдидаги бурч ва мажбуриятларни чуқур англаб етишига боғлиқ.

Ёш оилаларни турмушнинг турли зиддиятларидан асраш, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимояланган бўлишида, айниқса, маҳалланинг ўрни беқиёс. Оилалар мустаҳкам, ҳамжиҳат, тотув бўлсагина жамият тараққий этади. Оилани мустаҳкамлаш, эр-хотин муносабатларини тартибга солувчи умуминсоний қадриятлар, ёши улуғларни қадрлаш, ўзаро меҳр-муҳаббат, ҳурмат-эътибор, оилага садоқат асосида "Никоҳ азиз, оила муқаддас"лигини белгилаб берувчи қонун ҳужжатларини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Вилоятнинг деярли барча маҳаллаларида давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Бу тадбирларда вилоят прокуратураси органлари ходимлари, вилоят ёки туман хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, маҳалла фаоллари, руҳшунослар, тиббиёт ходимлари ва диний идоралар вакиллари иштирок этиб, фуқароларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтаришаяпти, қатнашчиларни қийнаётган муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилаяпти.

Жамият, қолаверса, мамлакат тараққиётида мустаҳкам оиланинг ўрни беқиёс. Юртбошимиз таъкидлаганидек, "...бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борада олиб бораётган ишларимизни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади".

Ҳа, оила — муқаддас қўрғон, унинг мустаҳкамлигига эса, сўзсиз оиланинг барча аъзолари ҳисса қўшадилар. Шундай экан, миллатимиз равнақи, фарзандларимиз бахту камоли учун ҳам сабр-қаноатли, бир-биримиз эътиборли бўлиб, оиламиз мустаҳкамлиги учун ҳаракат қилайлик. «Мустаҳкам оила йили»да юртимиздаги ҳар бир оиланинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечириши учун янада кенг кўламли ишларни амалга оширайлик!

**Бахтиёр САМУКОВ,**
Қашқадарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари
**Норбўта ҒОЗИЕВ,**
«Нидиқ»

# Фарзанд тарбиясига ҳамма масъул



**Мақсуд ИСКАНДАРОВ,**
Янгиариқ туман прокурори
**Ойбек ЖУМАНИЁЗОВ,**
«Нидиқ»

Биз аждодлари етти иқлимга донг таратган буюк инсонларнинг ворисларимиз. Бу эътироф қалбимизни ғурурга тўлдириш баробарида зиммамизга улкан масъулият ҳам юклайди. Зеро, аждодларга муносиб бўлиш, келажагимиз соҳибларини етук инсонлар қилиб тарбиялаш масаласи бизни ҳар доим огоҳликка, теран фикрлашга ундайди. 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб номланиши замирида оилалар мустаҳкамлиги, тинч-тотувлиги кафолати бўлган фарзандларимиз саломатлиги, маънавий дунёқараши, ижтимоий муҳофазаси чора-тадбирларини кучайтириш каби улкан мақсадлар ҳам бор. Чунки ҳар бир инсон оила қургач, фарзандли бўлишни, фарзандли бўлгач эса, уларнинг бахту камолини кўришни орзу қилади. Бундай эзгу ниятлар янгиариқлик ота-оналарга ҳам бегона эмас. Туманда 100 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шундан 35 мингдан зиёди вояга етмаганлардир. Уларнинг 5300 нафардан кўпроғи тумандаги 6 та ўрта махсус касб-ҳунар коллежларида, 15800 дан зиёди 40 та умумтаълим мактабларида таҳсил олсалар, 1600 нафардан ортиқ болажонлар 15 та мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларидир.

Янгиариқ туман прокуратураси томонидан вояга етмаганлар билан ишлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Бу борадаги фаолиятимиз Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини янада кучайтириш тўғрисида"ги буйруғи талабларига таянилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Йилнинг саккиз ойи мобайнида мазкур соҳага оид қонунлар ижроси юзасидан 10 та текшириш ўтказилиб, натижаларига кўра 10 та тақдимнома киритилди, 2 нафар шахсга нисбатан интизомий жавобгарликка оид ишлар қўзғатилди, 6 нафар ходим қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди. Вояга етмаганларнинг манфаатларини кўзлаб судларга 3 та даъво аризалари киритилди. Кўпол қонунбузилишлари юзасидан 4 та жиноят иши қўзғатилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг "Ёшларни умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълими тизими билан қамраб олиниши, шунингдек кейинчалик уларнинг ишга жойлашишини ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан текшириш ўтказилди.

Маълум бўлишича, 2011-2012 ўқув йилида туман мактабларини 1884 нафар ўқувчи тамомлаган. Уларнинг 1534 нафари тумандаги, 276 нафари вилоятдаги, 3 нафари эса вилоятдан ташқаридаги касб-ҳунар коллежларига, 56 нафари вилоятдаги академик лицейларга жойлаштирилган. Битирувчиларнинг 11 нафари ногиронлиги, 4 нафари ота-онаси билан чет давлатларга кўчиб кетганлиги сабабли таълимнинг кейинги босқичига жалб қилинмаган.

Тумандаги касб-ҳунар коллежларини эса 1879 нафар ўқувчи тамомлаган. 1 август ҳолатига кўра, уларнинг 886 нафари ишга жойлаштирилган, 30 нафарининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун имтиёзли кредитлар ҳисобидан бандлиги таъминланган. Текшириш давомида 23 нафар битирувчи ишга жойлашмаган бўлса-да, ишга жойлашган деб ҳисобот бериб борилгани аниқланди. Текшириш натижаларига кўра масъул шахсларга тақдимномалар киритилди.

Вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш долзарб вазифа. Туман прокуратураси томонидан бу масалага ҳам алоҳида ёндашилиб келинмоқда. Бу борада қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда ҳам қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

/Давоми 4-бетда/

## «Нидиқ»ҳа жавоб беради

## «Чиқинди муаммоси уни бартараф этишнинг йўли борми?» мақоласини ўрганиб чиқиб...

Қашқадарё вилоят ҳокимининг 2008 йил 29 ноябрдаги Х-270/11-сонли қарори билан тасдиқланган "Қашқадарё вилоятида "2008-2012 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларини амалга ошириш Дастури"га асосан, Қарши шаҳар маҳалла ва ширкатларида 40 та вақтинча чиқиндиларни сақлаш жойлари ташкил этилган. Шунингдек, 2012 йилда аҳоли хонадонларидан маиший чиқиндиларни ташиб чиқиш учун 20 дона техника сотиб олинди...

Қашқадарё вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Қарши шаҳар "Отчопар" маҳалласи хонадонлари томонидан ҳосил бўладиган маиший чиқиндиларни зарарсизлантиришда қонунбузарликка йўл қўйилаётгани ҳақидаги мақолада келтириб ўтилган фактларни Қарши шаҳар Давлат Санитария-эпидемиология назорат маркази билан биргаликда ўрганиб чиқди. Ҳақиқатан ҳам Қарши шаҳар "Отчопар" маҳалласи "Шоир" кўчасида аҳоли томонидан ҳосил бўладиган чиқиндилар табиатни муҳофаза қилиш қонунлари талабларига зид равишда жойлаштирилаётгани, қолаверса, маҳалла аҳолиси томонидан ноқонуний равишда чиқинди тўплаш майдончаси (ахлатхона) ташкил қилинганлиги ҳамда маиший ва истеъмол чиқиндиларини атроф-муҳитга жойлаштириш, ташиш, зарарсизлантириш ва кўмиб ташлаш бўйича тегишли корхона ва ташкилотлар билан шартнома тузилмаганлиги аниқланди.

Ўрганиш натижасида, "Отчопар" маҳалласида Ўзбекистон Республикаси "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 22-, 45-моддалари талаби ва "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонуннинг 12-, 13-моддалари талаблари бузилгани аниқланиб, маҳалла масъулларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 91-моддаси 1-қисмига асосан маъмурий чора қўрилди. Шу билан бирга, қонунбузарликни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар берилди.

Қарши шаҳар ҳокимлиги "Отчопар" маҳалласидаги, шунингдек, барча маҳалла ва ширкатларда чиқиндиларни табиий муҳитга жойлаштиришда йўл қўйилган қонунбузарликни бартараф этиш ҳамда олдини олиш бўйича Қашқадарё вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг тақдимномаси берилди.

Мақолада келтириб ўтилган фактлар — чиқинди муаммоларини бартараф этиш бўйича "Отчопар" маҳалла қўмитаси томонидан режа-тадбир ишлаб чиқилиб, Қашқадарё вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан келишиб олинди. Белгиланган тартибда чиқиндиларни зарарсизлантириш бўйича "Санитария тозалаш" масъулияти чекланган жамият билан шартнома тузилди.

**М.МАХМАНАЗАРОВ,**
Қашқадарё вилояти Табиатни Муҳофаза қилиш қўмитаси раиси



# Тинчлик ва барқарорлик йўлидаги фидойилик

## ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир

*Инсониятнинг орзу-умидлари ва уларнинг рўёби унинг ҳаёт йўлидаги тинимсиз ҳаракатларидан иборат. Ҳар бир мамлакат келажак сари одимлар экан, ўз олдига муайян мақсадларни қўяди. Бу мақсадлар эса халқнинг турмуш тарзини яхшилашга, фаровон ҳаётни яратишга, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий жиҳатдан юксалишга, ўз ҳудудида тинчлик ва осойишталикни таъминлашга хизмат қилади.*

**Шухрат ДЕҲҚОНОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Очиғини айтиш керак, биз бугун нотинч ва таҳликали замонда яшамоқдамиз. Башарият юксак орзу-умидлар билан қадам қўйган XXI асрда тинчликка қарши турли кўринишлардаги таҳдидлар дунё хавфсизлигига жиддий соя солаётганини барчада ташвиш уйғотмай қолмаяпти. Айниқса, дунёдаги ғаразли ғоя ва кучлар қайтадан бош кўтараётган, ўта маккор ва ёвуз услублар қўлланилаётган мураккаб бир вазиятда ҳаётнинг ўзи халқаро ҳамжамият, жумладан, минтақамизда жойлашган барча давлатлардан бу каби балоларга қарши курашда ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини талаб қилмоқда. Шунингдек, замон бир ёқадан бош чиқариб, ғаразли уринишларга кескин зарба беришни, ҳар қандай тажовузларнинг олдини олишни, уларнинг мафкуравий илдизини йўқотишда аввало, фуқароларимизнинг қалби ва онгини соғломлаштириш учун курашишни тақозо этмоқда.

Айни пайтдаги мураккаб вазиятни кузатадиган бўлсак, мустақил давлатларга демократияни экспорт қилиш васвасаси, фашизм, айирмачилик, миллатчилик, диний экстремизм, демократик фундаментализм, глобал лидерлик стратегияси, халқаро терроризм, гиёҳвандлик ва одам савдоси, ахборот хуружи каби ғайриинсоний кучлар жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда. Энг ёмони, бундай таҳдид ва тажовуз ортида турганлар ўз хатти-ҳаракатларини ялтироқ ғоялар, дунёга демократияни ёйиш, жаҳон халқларига "бахт-иқбол", "эркинлик" бериш, "инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш"дек тушунчаларни ниқоб қилиб олган. Масаланинг яна бир жиҳати, улар омма тасаввуридан глобаллашув жараёнида дунё халқлари орасидаги тафовут пардаларини сидириб ташлашга уринишмоқда. Содда қилиб айтганда, "хўрознинг ҳамма жойда бир хил қичқириши"ни исташмоқда.

Юртбошимиз бежизга "Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат", деган ақидани илгари сурганлари йўқ. Дарҳақиқат, маънавий таҳдид манбалари ҳақида ўйлаб қарасак, мафкура қуролининг ғайриинсоний ва ғайримиллий жиҳатдан миллий маънавиятимизга ёт эканлигини кўрамиз ва курраи заминни остин-устин қилиб юбориши мумкинлигига амин бўламиз. Шундай экан, дунёни манфаатлар бошқараётган ҳозирги мураккаб шароитда ҳар биримиз жамиятнинг фаол аъзоси сифатида юртимизга, демакки, бизга бўладиган турли кўринишлардаги хуружларга ҳушёр ва огоҳ туришимиз лозим. Зеро, жонажон Ватанимиз, мустақил диёримиз хавфсизлиги бизнинг хавфсизлигимиздир. Бунинг учун юз бераётган воқеа-ҳодисаларга теран кўз, холис нигоҳ билан баҳо бера олиш, замон билан ҳамнафас қадам ташлаш учун халқаро миқёсда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан доимо хабардор бўлиб боришимиз зарур.

Зеро, биз ўз эркимизни қўлга киритганимиздан сўнг олдимизга қўйган эзгу орзу-умидларимиз, хайрли мақсад-муддаоларимиз рўёбига эришиш, айни пайтда, жонажон Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш йўлидаги яна бир муҳим мезон борки, у — миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусидир. Бинобарин, бу муқаддас заминда асрлар мобайнида кўплаб миллат ва элат вакиллари қўлни қўлга бериб, бир ёқадан бош чиқариб, елкама-елка, аҳил-иноқ тарзда яшаб келмоқда. Мамлакатимиздаги миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик муҳити истиқлол туфайли янада мустаҳкамланди. Шу боис ҳам, бугунги кунда юртимизда 130 дан ошиқ миллат ва элат вакиллари Ўзбекистонни умумий уй сифатида билиб, бир оила фарзандларидек баҳамжиҳат яшаб, ягона мақсад — юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида ҳалол меҳнат қилиб келмоқда.

Халқимизда пурмаъно бир нақл бор: "Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр". Ҳа, атрофимизга боқсак, ҳаётнинг гўзаллигини, дунё ободлигини кўра олмайдиганлар ҳам борлигидан кўз юмолмаймиз. Айрим манфур кимсаларнинг мақсади, қай давлатда бўлмасин, ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, жамиятдаги бунёдкорлик муҳитини, фаровон ва осуда ҳаётни бузиш, тобора ривожланаётган давлатни ағдариш, тўғри йўлдан адаштиришга қаратилган. Халқнинг юрагига ваҳима, қўрқув солиш ҳисобидан уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиш, турли халқ вакилларини бир-бирига қарши қўйиш орқали минтақада ўз манфаати ва сиёсатини ўтказиш уларнинг асосий муддаосидир.

Шулар ҳақида ўйлар эканмиз, озод ва тинч Ватанимизда хотиржам ўтаётган умримизнинг нечоғли қадрли эканини дилдан ҳис қиламиз. Зотан, муҳтарам Президентимизнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч" китобида ёзилганидек, "Агар биз аҳил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди".

Ҳа, Ватанимизнинг равнақи, юртимизнинг осойишталигию, истиқболимизнинг нурафшон бўлиши ҳар биримизга боғлиқ. Фақат атрофимизда содир бўлаётган воқеаларга бефарқ бўлмай, ҳар бир шубҳали ҳолатга синчковлик билан муносабатда бўлиб яшаш бизнинг фуқаролик бурчимиздир. Ўз уйимиз, маҳалламиз ёки қишлоғимиз, умуман, бутун диёримизнинг тинчлиги ўз қўлимизда.

Юртбошимизнинг: "...агар жамият ўзини ўзи ҳимоя қилмаса, ҳар ким фақат ўз манфаати билан яшаса, бундай жамиятнинг ҳаёти, келажаги нима бўлади? ...Одам ҳайрон қолади, нега инсон то ўз бошига жудолик ва айрилиқ, мусибат тушмагунча ақлини йиғиштириб ололмайди, ёнверига ҳушёр назар ташлаб, дўстни душмандан ажратолмайди? Қачонгача биз атрофимизда қабиҳ ният билан юрган, ич-ичидан заҳарга, фасодга тўлган кимсалардан андиша қиламиз, уларнинг қора қилмишларини фош этиб, жойига ўтқазиб қўйишга журъат қилолмаймиз?" деган сўзлари бизни ўйлашга, жондан азиз она Ватанни кўз қорачиғидай асрашга ундамайдими?

Ҳа, бугунги давр шиддати, айрим мамлакатлардаги вазият, қолаверса, халқаро миқёсдаги долзарб масалалар ва муаммоларни тўғри баҳолай билиш, теран англаб етиш ва улардан тегишли хулосалар чиқариш барчамиз учун жиддий масъулиятдир. Маълумки, ҳозирги тезкор замонда ахборотлашган жамиятнинг асосий хусусияти — ахборотнинг энг қимматбаҳо товар сифатида экспорт қилинишида кўринади. Лекин, биз бундай товарларнинг барчасини ҳам ижобий, деб айта олмаймиз. Чунки, уларнинг орасида бутун бошли бир миллатнинг хавфсизлигига таҳдид соладиган, ўзлигини йўқотишга қаратилган ғаразли ғоялар билан суғорилган ахборотларни ҳам кўплаб учратиш мумкин.

Эркин фуқаролик жамиятининг фаол аъзоси сифатида бундай хуружларга доимо ҳушёр ва огоҳ туришимиз лозим. Зеро, жонажон Ватанимиз, мустақил диёримиз хавфсизлиги бизнинг хавфсизлигимиздир. Умуман, ҳар қандай кўринишдаги таҳдидларга ўз вақтида ҳозиржавоб бўлиб, қалқон вазифасини ўташимиз шарт. Бугунги куннинг энг муҳим талаби ҳам шу.

Дунёда ўзбек халқидек меҳмондўст, бағрикенг, танти элни топиш мушкул. Биз азал-азалдан борини меҳмонга тортиқ этадиган миллатмиз. Бироқ, уйимизга ташриф буюрган меҳмон яхши ниятда келган бўлса-ку, хўп-хўп, акс ҳолда саломга яраша алик билан жавоб қайтаришга қодирмиз. Шу маънода, Ўзбекистонга дўстлик назари билан боқиб, ўзаро тенг ҳуқуқ ва манфаатлар истагида қўл чўзганларга эшикларимиз доимо очиқ. Аммо, мустақил юртимизнинг тараққиётини кўра олмай кўксига олов тушаётган айрим кимсалар юзига ниқоб тортиб, ўзга мақсадларда бизга "дўстлик" қўлини чўзиши, ичимизга кириб олганидан сўнг асл башарасини намоён қилишидан ҳар лаҳза, ҳар он эҳтиёт бўлишимиз даркор.

Бинобарин, янги ҳаётимизнинг йигирма бир йиллик қисқа тарихида ана шундай ҳолатларга ҳам кўп бора дуч келдик ва олиб борилган вазмин сиёсат туфайли муаммолар оқилона ечим топди. Бугун бизнинг халқаро муносабатлардаги фаол ташқи сиёсатимизнинг асоси — Ўзбекистоннинг миллий манфаатларидир. Ана шу манфаатларни рўёбга чиқариш йўлида ҳар қандай давлат билан ўзаро тенг ҳуқуқли ва тинчликпарвар ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кучайтириш пировард мақсадимиздир.

Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатда доимо тинчлик тарафдори бўлиб келган ва турли хил низоларни тинч йўл билан ҳал этиш борасида қатор эътиборга молик ташаббусларни дунёнинг нуфузли минбарларидан туриб эълон қилган. Ана шу тинчликпарвар сиёсат бундан буён ҳам изчил давом этаверади. Тинч ҳаётимиз, осуда турмушимиз, барқарорлигимиз ва мусаффо осмонимизни кўз корачиғидек асраб-авайлаш, бугунги дориломон кунларнинг қадрига етиш, тинчлик учун курашиш ва ҳимоя қилиш, лозим бўлса, бу йўлда жон фидо айлаш шу муқаддас Ватаннинг асл фарзандиман деган ҳар бир фуқаронинг бурчи ва вазифасидир.

# Фарзанд тарбиясига ҳамма масъул

/Давоми. Бошланиши 3-бетда/

Ҳар бир ота-она фарзанд тарбияси, моддий таъминоти учун жавобгар. У турмуш ўртоғидан ажрашган тақдирда ҳам бу жавобгарликдан қутула олмайди. Бироқ айрим оталар фарзандларини ўз меҳридан бебаҳра қилганлари камдай, озгинагина моддий кўмакни ҳам қизғанадилар. Айтайлик, Боғот туманлараро судининг 2009 йил 17 декабрдаги суд буйруғига асосан Янгиариқ тумани "Қўриқтом" қишлоғида яшовчи фуқаро Отабек Жумабоев икки нафар вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун ойлик даромадининг учдан бир қисмидан кам бўлмаган миқдорда алимент тўлаши лозим эди. Бироқ қарздор О.Жумабоев вояга етмаган фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлагани учун бир неча маротаба жавобгарликка тортилганлигига қарамасдан, оталик мажбуриятларини бажаришдан бош тортиб, алимент тўлашдан бўйин товлаб келган.

"Таган" қишлоғида яшовчи фуқаро Кенжа Бекметов ҳам икки нафар фарзанди учун алимент тўлашдан бош тортганлардан. 2010 йил 1 сентябрдан 2012 йил 1 август ҳолатига унинг қарзи 2 млн. 885 минг 051 сўмни ташкил қилган.

Ушбу ҳолатларни атрофлича ўрганган ҳолда О.Жумабоев ва К.Бекметовни оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида Боғот туманлараро судига даъво аризалари киритилди.

Ёш авлод тарбиясида ўқитувчининг ўрни беқиёс. Ўқувчи ўз устозидан ибрат олади. Демак, ўқитувчининг ёлғон сўзларга, қонун, миллий қадриятларга зид ҳаракатлар қилишга ҳаққи йўқ. Бироқ айримлар даромад илинжида ўқувчилар кўзига қараб ёлғон гапиришдан ҳам тап тортмайдилар. Ана шундайлардан бири "Гулобод" қишлоғида яшовчи Зуҳра Собировадир. У Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетини "тарих-педагогика" мутахассислиги бўйича тамомлаганлик ҳақидаги 1999 йил 25 август санасида берилган қалбаки диплом асосида қарийб 14 йил давомида ўқитувчи бўлиб ишлаб келган. Унинг қалбаки диплом асосида фаолият кўрсатиб, давлат ва жамият манфаатларига 15 млн. 677 минг 580 сўм миқдорида зарар етказганлиги аниқланди. Унга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилди.

Фарзандларимиз кўз қорачиғимиз. Демак, уларни авайлашимиз, камолоти учун қайғуришимиз зарурдир. Зеро, муҳтарам Юртбошимиз айтганидек, "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт".

# Тугатмоқчи бўлса...

*Мен саккиз йилдан бери фермер хўжалигини юритиб келаман. Ўтган давр ичида ўз зиммамга олган барча мажбуриятларимни тўла бажардим. Лекин оилавий шароит туфайли фермер хўжалигини топширмоқчиман. Бунинг учун тугатиш қандай бўлади?*

**Л.Зарипов,**
Самарқанд тумани

Фермер хўжалигини тугатиш "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларига мувофиқ тарзда амалга оширилади. Агар мазкур қонуннинг 32-моддасида назарда тутилган фермер хўжалигини тугатишнинг бошқа сабаблари бўлмаса, фермер хўжалиги ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечиш орқали тугатилиши мумкин.

Фермер хўжалигини тугатишнинг 32-моддада назарда тутилган қолган асосларига қуйидагилар киради:

фермер хўжалиги банкрот деб топилганда, шу жумладан моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, иш бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар билан ҳисоб-китоб мунтазам равишда амалга оширилмаганида;

фермер хўжалигининг бошлиғи вафот этиб, хўжалик фаолиятини давом эттиришни хоҳловчи меросхўр бўлмаса;

давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ёки ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, шу жумладан фермер хўжалиги ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланмаганида, хусусан контрактация шартномасида назарда тутилган қишлоқ хўжалиги экинларини экканида ер участкасини олиб қўйиш зарурати бўлган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинса.

Шунга мувофиқ, агар сиз хўжаликни тугатиш истагида бўлсангиз, бу ҳақда туман ҳокимлигига мурожаат қилиб, фермер хўжалигини тугатиш ҳақидаги қарорингизни ёзма равишда билдиришингиз лозим. Бунда тугатиш комиссияси тайинланади.

"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддасига кўра, ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектларининг — юридик шахсларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг юридик шахс тугатилиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги билдириши асосида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Тугатиш жараёнида фермер хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича, шу жумладан, тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулоти назарда тутилган ҳажмларда етказиб берилишини таъминлаш бўйича, шунингдек моддий-техника ресурслари етказиб берилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги учун ўз вақтида ҳақ тўлаш бўйича қонунларга мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган ўз мол-мулки билан жавоб беради.

Фермер хўжалигининг бошлиғи фермер хўжалигининг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда фермер хўжалигининг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

Барча кредиторлар билан тўла ҳисоб-китоб қилинганидан кейингина тугатиш баланси тузилиб, фермер хўжалиги фаолиятини тугатиш ҳақида қарор қабул қилиш учун туман ҳокимлигига киритилади.

*Мен йигирма йилдан бери юк автомобили ҳайдайман. Иш фаолиятим бевосита юк ташиш билан боғлиқ бўлганлиги учун автомашинам бироз эскироқ бўлсада, уни доим соз ҳолда сақлайман. Эшитишимча, яқинда эски юк автомашиналарининг Қамчиқ довонидан ўтишини бутунлай тақиқлаб қўйишар экан. Шу тўғрими?*

**Ж.Турдалиев,**
Марғилон шаҳри

# Биринчи галда хавфсизлик

Бу борада Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 июлдаги "Қамчиқ" довони орқали автомобиль транспортида юк ташишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Унда белгиланган талабларга кўра, юк автотранспорт воситасининг фойдаланиш муддати:

25 йил ва ундан ортиқ бўлса — 2012 йил 1 октябрдан;

20 йил ва ундан ортиқ бўлса — 2014 йил 1 июлдан;

15 йил ва ундан ортиқ бўлса — 2016 йил 1 июлдан бошлаб ушбу автотранспорт воситасида "Қамчиқ" довони орқали юкларни ташиш тақиқланади.

Юк автотранспорт воситалари "Қамчиқ" довонига киришидан олдин мажбурий тартибда габарит ва вазн ўлчамлари текширувидан ўтади.



# Хориждаги иш

*Менинг кўпгина дўстларим хорижий давлатларда ишлаб келишган. Ҳозир ҳам ишлаётганлар бор. Мен ҳам хорижга ишлагани бормоқчиман. Лекин ишни ўзим мустақил топаман. Шундай қилсам тўғри бўладими?*

**Қ.Шарипов,**
Пахтакор тумани

Меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш ҳар кимнинг мутлақ ҳуқуқидир.

Бундан ташқари, ҳар ким иш берувчига бевосита мурожаат қилиш ёки меҳнат органларининг бепул воситачилиги орқали иш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эгадир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, сиз мустақил равишда хорижий иш берувчидан иш топишингиз мумкин. Лекин сизнинг хорижий давлатда бўлган вақтингизда ҳуқуқларингизни ҳимоя қила олиш ҳамда ижтимоий муҳофазангизни таъминлаш мақсадида, хорижий иш берувчи билан тузган меҳнат контрактингизни тегишли тартибда расмийлаштириш лозим бўлади. Бундай ҳолат Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолияти тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари билан тартибга солинган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг хусусий меҳнат контрактига эга бўлган фуқаролари Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этиши лозим:

ариза;

хорижий фирмадан (иш берувчидан) олинган давлат тилига таржима қилинган, барча ижтимоий кафолатлар ва тиббий суғурта кўрсатилган, шунингдек, меҳнат визаси (EMPLOYMENT VIZA) билан таъминлаш борасида иш берувчининг мажбурияти назарда тутилган ҳолда нотариал тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасаси томонидан легализация қилинган контракт нусхаси. Агар ҳужжатга апостиль қўйилган бўлса, легаллаштириш талаб этилмайди;

иш берувчи тўғрисидаги қисқа маълумотлар;

маълумотнома-холиснома;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тегишли шаклдаги соғлиғининг ҳолати тўғрисида маълумотнома.

*Менинг бир дўстим газдан ноқонуний равишда фойдаланиб келаётганда қўлга тушиб, унга нисбатан энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима тўлаш жазоси белгиланди. Аммо у ҳеч қаерда ишламаганлиги учун бу пулни тўлашга имкони йўқ. Бундай ҳолда жарима ундан қандай ундирилиши мумкин?*

**Ў.Чориев,**
Бектемир тумани

# Пулни тўламаса

Жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ҳуқуқбузар уни ўн беш кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда — шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим.

Агар жарима ушбу муддат ичида тўланмаса, жарима солиш тўғрисидаги қарор МЖтКнинг 333-моддасида белгиланган тартибда мажбурий ижрога қаратилади. Яъни жарима солиш тўғрисидаги қарор суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ жарима ҳуқуқбузарнинг иш ҳақи ёки бошқа маошидан, нафақасидан ёки стипендиясидан мажбурий тартибда ундириб олиш учун юборилади.

Агар жарима солинган шахс ишламаётган бўлса ёхуд жаримани ҳуқуқбузарнинг иш ҳақи ёки бошқа даромадидан, пенсияси ёки стипендиясидан бошқа сабабларга кўра ундириб олишнинг иложи бўлмаса, уни ундириб олиш суд ижрочиси томонидан жарима солиш тўғрисидаги қарор асосида ҳуқуқбузарнинг мулкидан, шунингдек, умумий мулкдаги унинг ҳиссасидан ундириб олиш йўли билан амалга оширилади.

# Иш ҳақи тўланадими?

*Мен ўқишни тамомлаганимдан кейин институтда ўқитувчи бўлиб қолдим. Айни пайтда илмий изланишлар қилаяпман. Билишимча, диссертация ишини ёзиш учун ижодий таътил берилар экан. Агар таътил бериладиган бўлса, иш ҳақи тўланадими ёки ходим ўз ҳисобидан оладими?*

**Л.Абдуллаева,**
Тошкент шаҳри

Ҳақиқатан ҳам Меҳнат кодексининг 258-моддасида ишлаб чиқариш ёки педагогик фаолиятни илмий иш билан бирга қўшиб олиб бораётган шахсларга номзодлик ёки докторлик диссертацияларини якунлаш, шунингдек дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар ёзиш учун асосий иш жойида ижодий таътиллар берилади, деб белгиланган.

Бундай таътил берилганда ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи ва лавозими сақланади.

*Ўғлим олий ўқув юртининг иккинчи курсида ўқийди. Унинг ўқиш контракт пулини тўлаш мақсадида банкдан таълим кредити олиш учун борсам, банкдагилар гаровга трактор қўйиш керак деб айтишди. Шу тўғрими?*

**Ш.Мейлиев,**
Шўрчи тумани

# Гаровга трактор?

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги қарори билан тасдиқланган "Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"ги Низом талаблари бўйича олинган кредит қайтарилмаслиги хавфининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи гаров сифатида бирор-бир мулк ёки қимматли қоғозлар гаров учун тақдим этилиши лозим дейилади. Лекин мазкур гаров мулк айнан трактор бўлиши лозим деб белгилаб қўйилмаган.

Шуни таъкидлаш лозимки, айтиб ўтилганидек, кредитни қайтариш хавфининг олдини олишда биргина гаров эмас, балки банкнинг кафолати, учинчи шахснинг кафиллиги, суғурта компаниясининг қарз олувчи кредитни қайтара олмаслиги хавфи суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кафиллиги (фақат чин етимлар ва "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари ва кам таъминланган оилалардан чиққанлар учун) ҳам тақдим этилиши мумкин.

*"Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.*
*Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади".*

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси**

**ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!**
**Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса, бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «info@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.**

**Саволларга ҳуқуқшунос Дониёр ХАЛИЛОВ жавоб берди.**

# Икки ёшнинг тўйи нега бузилди?

## ёхуд никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг моҳияти



*Анварга бу мудҳиш воқеа қаттиқ таъсир қилиб, одамови бўлиб қолди. На кўчага чиқа олади, на дўстларига қўшилади. Чунки, унинг хаёлида барча бу воқеадан хабардор-у, ҳамма ундан ўзини олиб қочгандек туюлаверади. Анвар Замира опа ва Иномжон аканинг тўрт қиздан кейин кўрган ягона ўғил фарзанди. Эр-хотин қизларни ҳалол меҳнатлари туфайли жой-жойига қўйиб узатишди. Энди навбат Анварни уйлантиришга келганда бошларига мана шундай мудҳиш савдо тушиб турибди.*

Камолиддин АСҚАРОВ,
«Нидо»

"Яхши қиз маҳалладан чиқмайди" деган нақлни эшитмаган одам бўлмаса керак. Анварга ҳам онаси маҳалладан қиз топди. Ёшлар бир-бирларига мақбул келишди шекилли, фотиҳа қилиниб, тўй куни ҳам белгиланди. Ҳатто, тўй ўтказиш учун муҳташам тўйхоналар ўша кунга тайинланиб, хизмат ҳақининг бир қисми олдиндан тўлаб қўйилди. Келин томон "Қизингни тенги чиқса, текин бер" деган нақлга амал қилиб, тўй тараддудини бошлаб юборишди. Келин бўлажак қизнинг отаси Дилшод аканинг хонадонидаги биринчи тўйи бўлганлиги боис, "Катта ош бераман, чунки, кўпчиликни ошини еб қўйганман" деб ҳазиллашиб, тўйдан бир ой олдин маҳалладан тортиб, қўшни маҳаллаларни ҳам ошга таклиф қилди.

Хуллас, тўй учун икки томон ҳам тайёр, бу борада муаммо йўқ. Ёшлар ҳам кунда-кунора бир-бирлари билан тез-тез учрашиб туришар, гўёки никоҳ оқшомини интизорлик билан кутаётгандек.

Бизга маълумки, республикамизда қонуний никоҳдан ўтаётган ёшларни тиббий кўрикдан ўтишлари мажбурий қилиб қўйилган. Албатта, бу икки ёш ҳам бу жараённи босиб ўтишлари шарт. Бўлажак келин-куёвлар ўша куни ўзида йўқ хурсанд ҳолда, ҳаётнинг гўзаллигидан сархуш бўлиб шифохона олдида кўришишди. Йигит ҳам, қиз ҳам барча тиббий йўналишларга таҳлилларини топшириб чиқишди. Энди навбат таҳлил натижаларини икки ёшга эълон қилиш қолди, холос.

Бу вақтда эса тўй кунига бир ҳафта қолган. Куёвтўра ўз биситодан ажратиб берган икки хонали уйни келин томон қизларига аталган сеплар билан тўлдириб, ҳамма ҳавас қилгулик кўринишга келтириб қўйганди.

Таҳлил натижалари билан бўлажак келин-куёвни олдига чиққан шифокор, бошини сарак-сарак қилиб, тез-тез уҳ тортарди.

— Заҳро Мўминова, сизнинг таҳлил натижаларингизда муаммо йўқ, — деб гап бошлади шифокор. — Қизим, сиз, албатта, бахтли бўласиз. Ҳаётингиз ҳали олдинда, — дея қизни олдиндан кўнглини кўтариб қўйди. — Анвар Исмоилов, афсус ва надоматлар бўлсинким, — гапини давом эттирди шифокор. — Сизнинг қонингизда ОИТС вируси борлиги аниқланди.

— Дўхтир, ака бўлиши мумкин эмас, мен унақа ифлос йўлларга умуман юрмаганман, — деб бақириб юборди Анвар.

— Бу касаллик фақат сиз ўйлаган нарсадан юқмайди. Бошқа манбалардан ҳам инсон танасига юқиши исботланганку, — деб йигитни оқлашга уринди шифокор.

Заҳро кўзидан қуйилиб келаётган ёшни артар экан, "ўзингизга қўшиб, менинг умримга ҳам зомин бўлмоқчи бўлдингизми," — деб шифохонадан югурганча чиқиб кетди.

Хуллас, тўй бузилди. Ачинарлиси, бу хасталикни Анвар қачон, қаердан юқтириб олганлигини ҳалигача билмайди.

Заҳро эса, тиббий кўрик туфайли бу офатдан сақланиб қолди.

Шу ерда ҳақли савол туғилади. Давлатимиз томонидан ёшларимиз келажагини ўйлаб, қурилажак оилаларнинг пойдевори мустаҳкам бўлишини истаб, мажбурий тиббий кўрикни жорий қилиб қўйганлиги нега айрим инсонларга ёқмайди?.. Улар буни ортиқча дахмаза деб қабул қилишади. Ёки айрим нопок инсонлар орқали бу ишни пулга ҳал этишга ҳаракат қилишади.

Оқибатда-чи, тўйдан кейин икки ёш бир ой ҳам бирга яшай олмай, ажрашишади. Қудалар ўртасида, қиз томон "Куёвимиз наркоман экан ёхуд фалон касали бор экан" деса, куёв томондагилар "Келинимиз туғмас экан, гинекологик томондан ҳам бедаво дарди боракан" деган гапларни рўкач қилишади.

Бир куни кўчада икки йигитнинг суҳбатига беихтиёр гувоҳ бўлиб қолдим. Суҳбатлардан уларнинг бири уйланганлиги, иккинчисининг тўйи энди, яқин кунларда бўлиши маълум бўлди. Тўйи бўлаётган йигит тиббий кўрик борасида дўстига оғиз очди шекилли, оилали йигит, "Шундан ҳам хавотирга тушасанми, мени фалон шифохонада танишим бор, соққасини берсанг бўлди. Ишинг ҳалде, ўзинг ҳеч қандай анализ топширмайсан" деб гўёки дўстига ёрдам бераяпти. Аслидачи, бу душманликдан ўзга нарса эмаску. Инкор эта олмаймиз, баъзи ота-оналар қизини ёки ўғилларини турли касалликларини яшириш учун ҳам, мана шундай мудҳиш ишга қўл урадилар. Тўғри, фарзанд азиз. Лекин, бу ерда иккинчи одамнинг тақдири ҳам бор-ку. У ҳам бир оиланинг азиз фарзанди эканлигини эсдан чиқармаслик керак.

Қолаверса, юртимизда тери-таносил, ОИТС каби юқумли касалликларни била туриб, бировга юқтиришга ҳаракат қилса ёки юқтирса, жиноий жавобгарликка тортилади. Бу борада соҳага оид ташкилотларнинг вакиллари никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг моҳияти, репродуктив саломатлик ҳақида аҳоли ўртасида, хусусан, турмуш остонасида турган ёшларимиз орасида кенг тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориб, турли тадбирлар ўтказмоқдалар. Бироқ, бу ишларнинг моҳиятини тушунмай, тиббий кўрик ҳақидаги ҳужжатларни пулга тўғрилаб, оқибатда унинг жабрини тортаётганлар ҳам ҳаётимизда учраб турибди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёш оилаларнинг бузилишида никоҳдан олдинги тиббий кўрикда аниқланиши керак бўлган касалликлар сабаб бўлса, бу ишга алоқадор одамлар устидан иш очиб, қонун бўйича жазони кучайтириш керак деб ўйлайман. Шундагина, бундай кўрикларни ими-жимида тўғрилаб, хулосани шифохона эшиги олдидан бўлажак келин-куёвларнинг қўлига тутқазиб юбораётган айрим шифокорлар сергак тортармиди.

# Интеллектуал ўғрилик

*Йўналишли таксида кетаётган эдим. Ҳайдовчи радионинг овозини баландлатди. Қўшиқнинг сўзлари жудаям таниш. Диққат билан қулоқ солиб бордим. Бироnта ҳам сўзи ўзгаргани йўқ. Ўша менинг "Келмадингиз" шеърим. 2003 йили чоп этилган "Сизни соғинаман" китобчамдаги шеърларимдан бири:*

Нодира УСМОНОВА,
шоира, Фарғона шаҳри

Келмадингиз кутишларда кўзлар
қорайди,
Юрагим дер, келиб қолса, кўрсам
зорайди.
Ёруғ дунё бу, зангори нилуфар
дунё —
Сабрларим осмонидан тонглар
қорайди...

Шеъримга куй басталаб, кўпчиликка манзур бўладиган қўшиқ қилиб айтганларидан кўнглим яйради.

Орадан кўп ўтмай таниш аёл "Опа телевизорда кўрдим, менга берган китобингиздаги битта шеърингизни ашула қилиб айтишди", дея суюнчилади. Ўзим ҳам бир нечта шеърларим қўшиқ сифатида видеоклип қилиниб, аудиодискларга ёзилиб, телеэкранда, радиода такрор-такрор ижро этилганини кўриб, эшитиб қувондим.



Тўққиз йил аввал етмиш беш ёшида отам вафот этганларида юрак-бағрим тилка-пора бўлиб, қайғуларимни, фарёдларимни қоғозга туширган эдим. 2003 йили "Отам ёди" китобчаси нашр қилинди. Ушбу китобчадаги "Отам қабри" шеърини Дониёрбек Мўсинов қўшиқ қилибди. Клипини кўриб, тинглаб, кўзимга ёш қалқиди.

"Қалбимда бир қаср бор", "Сизни соғинаман", "Қорда очилган гул", "Ёқимли изтироблар" номлари билан нашр этилган китобчаларимдаги айрим шеърларимни Шаҳло Рустамова, Зуҳриддин Ражабов, Нигора Ҳошимова, Гулсанам Мамазоитова каби таниқли ва санъат кошонасига дадил кириб келаётган ёш ижрочилар қўшиқ қилиб айтишяпти. Бироқ... Радиода, телевидениеда қўшиқ қилиб айтилган шеърларнинг муаллифи бирон марта тилга олингани йўқ. Бир пайтлар телеэкранда қўшиқ ижро этилаётганида хонандадан ташқари шеър муаллифи, бастакорларнинг исм-фамилиялари, албатта, ёзиб кўрсатилар эди. Ҳозир қўшиқлар ижро этилаётганда фақат хонанданинг исм-шарифи кўрсатилади, холос. Шеър муаллифи ким, бастакор ким, қоронғу бўлиб қолаверади. Муаллифлик ҳуқуқи поймол қилинаверади.

Шеърим бирон-бир ўзгаришсиз қўшиқ — клип қилинган экан, хонанданинг исм-шарифи қаторида фалончининг шеъри, деб қайд этиб қўйиш шунчалик мушкул ишми?! Бировнинг кўнгил мулкини бесўроқ, очиқдан-очиқ ўғирлаб, ўзлаштириб олишга қандай ҳаддилари сиғади? Бу саволларга жавоб излаб, "Ўзбекистон Юридик энциклопедияси", Фуқаролик кодексидаги муаллифлик ҳуқуқига оид бандларни диққат билан ўқиб чиқдим. Муаллифлик ҳуқуқи қонун билан қўриқланиши, бузилган тақдирда суд орқали тикланиши, етказилган маънавий зарар қопланишига оид қонун талаблари билан танишдим.

Энциклопедияда қайд этилганидек, муаллифлик ҳуқуқи (интеллектуал фаолият натижасининг муаллифи деб эътироф этилиш ҳуқуқи) шахсий, номулкий ҳуқуқ ҳисобланади ва ижодий меҳнати билан интеллектуал фаолият натижасини яратган шахсгагина тегишли бўлади. Муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилмайди ва берилмайди. Муаллиф ўз ҳуқуқлари бузилган ҳолда ҳуқуқбузардан маънавий зиённи талаб қилишга ҳақлидир.

"Фан, адабиёт ва санъат асарига муаллифлик ҳуқуқи уни яратиш факти бўйича юзага келади. Асарнинг асл нусхасида ёки нусхасида муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳолат исботланмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади" (Фуқаролик кодексининг 1046-моддаси).

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 1056-моддасида муаллифнинг мулкий ҳуқуқлари белгилаб қўйилган. Хусусан, асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда мутлақ ҳуқуқлар муаллифга тегишлидир.

Муаллифнинг асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англатади:

асарни такрорлаш (такрорлаш ҳуқуқи);

асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш йўли билан тарқатиш (тарқатиш ҳуқуқи);

асарни барчанинг эътиборига етказиш;

асарнинг асл нусхаси ёки нусхаларини прокатга бериш;

тарқатиш мақсадида асарнинг нусхаларини, шу жумладан, мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг рухсати билан тайёрланган нусхаларини импорт қилиш;

асарни сим (кабель) орқали ёки бошқа шу каби воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш;

асарга тузатишлар киритиш, уни анжировка қилиш ёки бошқача тарзда қайта ишлаш;

асарни омма олдида намойиш этиш;

асарни омма олдида ижро этиш;

асарни симсиз воситалар ёрдамида узатиш йўли билан барчанинг эътибори учун юбориш (эфирга узатиш) кабилар шулар жумласидандир.

Муаллиф ўз асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига (ҳақ олиш ҳуқуқи) эга.

Зеро, ижод машаққатли меҳнат. Демак, машаққатли меҳнат, кўнгил ёғдусию, қалб изтиробларининг маҳсули бўлган шеърни қўшиқ қилиш аввалида хонанда муаллифнинг розилигини олиши, қолаверса, қўшиқни ижро эта бошлагач, видео ёки аудио клипларда муаллифнинг номини эслатиши, унга қонунда белгиланган тартибда ижодий меҳнати маҳсулининг ҳақини тўлаб бориши лозим. Ушбу талабларга зид иш кўриш ижод ўғрилиги, интеллектуал ўғрилик билан баробардир.

# Фириби иш бермади

**О.ХУДАЙБЕРГЕНОВ,**
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи
**Н.РОЗИБОЕВА,**
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Самарқандлик А.Уталов танишларидан бири А.Азимовнинг Нукус шаҳридаги қурилишда ишлаётганидан хабар топиб, уни излаб, шу ерга ташриф буюрган эди. Кейин ҳамшаҳри орқали қурилаётган уй эгаси А.Сидиқов билан яқиндан танишди. Кунларнинг бирида А.Уталов Самарқандда гилам тўқиш учун ип йиғирувчи цех очмоқчилиги ҳақида сўз очиб қолади. Кўнгли очиқ А.Сидиқов "биздан нима ёрдам", деб сўраганида, "Энди ака, Самарқанд дунёга машҳур, тарихий шаҳар. У ердан туристларнинг оёғи узилмайди. Шаҳримизга қадам ранжида қилган ҳар бир меҳмон биздан эсдалик учун миллий ёки шаҳримиз тасвири туширилган у-бу нарсалардан олиб кетади. Буларнинг орасида гилам биринчи ўринларда туради", дея жавоб берди.

Гапни узоқдан бошлаган А.Уталов асл мақсадга тўхталиб, "Шу десангиз, агар 200 миллион сўм маблағ бўлганида эди, цех ишга тушарди. Сиз эса шунга ёрдам қўлини чўзиб юборсангиз, ҳар ҳолда қуруқ қолмасдингиз, ойига 4000 АҚШ доллари чўнтагингизда бўларди", деб қўшиб қўйди у.

Ҳар ойда бундай миқдорда фойда олишни ўйлаган А.Сидиқов август ойининг охирида сўралган пулни А.Уталовнинг қўлига тутқазади.

Шунча пулга эга бўлган фирибгар ўз шаҳрига қайтади, лекин ҳеч қанақа гилам тўқиш цехини ишга туширишни ўйламайди. Цехнинг ишга тушмагани майли-ку-я, ўша пулларни эгасига қайтаришни хаёлига ҳам келтирмай, изсиз кетди.

Ваъдаларнинг қуруқлигини тушуниб етган А.Сидиқов пулларини қайтариб олиш мақсадида Самарқанд шаҳрига бориб, ҳеч қандай цех фаолият юритмаётганининг гувоҳи бўлди. У А.Уталовдан берган пулларини қайтаришни талаб қилди. Қочишга илож топа олмаган фирибгар яна уни авраշга тушди. "Пулингизни бугун-эрта бера олмайман. Лекин тўрт ой ичида 200 млн. сўмни тўлалигича қайтараман", дея тилхат ҳам ёзиб берди.

Ҳамма нарсанинг чегараси бор. Кута-кута тоқати тоқ бўлган А.Сидиқов прокуратурага ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди. Дастлабки тергов жараёнидаёқ А.Сидиқовга етказилган моддий зарар тўлалигича қопланишига эришилди. А.Уталов суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жазога тортилди.

Ҳақ жойида қарор топди. Лекин масалага холис баҳо берадиган бўлсак, мана шундай ҳолатларга дуч келмаслик ҳам мумкин эди-ку, деган фикрга келасан. Бунинг учун фуқаролардан энг аввало, эҳтиёткорлик ва ҳар бир ишда огоҳлик талаб этилади, холос.

# Қотил қайнота

***Собировлар хонадонида юз берган мудҳиш воқеа кўп ўтмай бутун маҳаллага тарқалди. "Халил келинини пичоқлаб қўйибди"...***

**Комил МАХАМАДИЕВ,**
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи
**Баргида МЎМИНЖОНОВА,**
«Huquq»

Ўтмишдан ўзбек оилаларида тарбияга алоҳида эътибор берилиб, фарзандлар гўдаклигиданоқ каттага ҳурмат, кичикларга иззатда бўлиш руҳида тарбияланади. Турмушга чиққан қизларга эса, борган жойларида қариндош-уруғларига, айниқса, қайнона-қайнотага меҳрибончилик қилиб, иззат-икром кўрсатишлари уқтирилади. Аммо биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа қаҳрамонларининг оиласидаги муҳит бундан мустасно. Акс ҳолда Халил Собиров ўз келини Замиранинг қотилига айланармиди...

Х.Собиров бир неча йил Россия давлатида ишлаб уйига қайтди. У ўша кезларда телефон орқали ўғли Шокирнинг қўшни қишлоқлик Замирага уйланганини эшитганида қанчалик шодланган бўлса, уйига келиб, ҳовлида юрган келини ва набираларини кўриб яна ҳам кўпроқ суюнди. Лекин, келинининг қўпол муомаласини, ҳали эри, ҳали қайнонаси билан чиқишмаётганини кўрган қайнотанинг таъби хира бўлди.

— Келиндан ёлчимаган кўринасан, онаси!

— Ҳали ёш-да, келин жуда эрка ўсган экан, инсофга келиб қолар, — деб умид қилди хотини.

— Ҳеч ўзгарадиганга ўхшамайди. Қолаверса, ҳеч ўйлаб ўйимга етолмаяпман, уйдаги машинани поччасининг номига ўтказишига қайси калла билан қараб турдиларинг? — асабийлашди Халил.

"Тико" автомашинаси аслида Халилнинг Россиядан ишлаб жўнатган пулларига сотиб олинган эди. Бироқ, ўғли Шокирнинг номига олинган машина "ишбилармон" келиннинг гапи билан унинг поччасига расмийлаштириб берилган эди. Оиладагилар машинани қайтариб олишга ҳар қанча уринишмасин, Замирага гап уқтириб бўлмасди. Ҳар сафар машинани қайтариш ҳақида гап очилса, албатта, жанжал билан тугарди. Бу сафар ҳам худди шундай бўлди...

Халил эрталаб ҳовли супуриб юрган келинига сиполик билан машина ҳақида яна гап очди.

— "Тико"ни қайтариб олиб келсак, Шокирнинг ўзи ҳайдаб юрарди. Ҳарқалай меҳнатимиз эвазига олинган, барибир рўзғорда битта машина бўлгани дуруст дейман-да!

Замирага бу гап ҳар доимгидек ёқмади. Шу вақт қўлидаги супургисини қайнотасига ўқталиб, ўшқира кетди.

— Ҳали сен қари чолга машина керак бўлиб қолдими, бу ҳолваси, керак бўлса, уйингни ҳам холамнинг номига ўтказиб оламиз! Агар хоҳласам, холам, поччаларим сени йўқ қилиб юборади, тушундингми?!

Келинининг бу гаплари Халилга ортиқчалик қилди. Шу пайт хотинининг ҳам уйда йўқлиги панд берди. Ҳовлини тўлдириб бақираётган Замира юзига зарб билан тушган муштдан бетонга қоқилиб йиқилди. Кўзи қонга тўлган Х.Собиров олдида турган ошхона пичоғини олиб, келинининг дуч келган ерига ура бошлади. Ўзини буткул йўқотган қайнотани набирасининг йиғиси ҳам тўхтата олмади. Шу пайт дарвозадан кириб келган ўғли Шокир даҳшатдан қотиб қолди...

Зумда етиб келган тез ёрдам машинаси Замиранинг ҳаётини сақлаб қололмади.

Бу иш бўйича суд жиноятчи Х.Собировга ўзининг одилона ҳукмни ўқиди.

# «Уддабурон» оқсоқол



***Карим Тошпўлатов кўп йиллардан буён Каттақўрғон шаҳар Ислом Шоир номли маҳалла раиси лавозимида ишлаб келаётган эди. Шунча вақт халқ манфаати йўлида ишлаб, одамларнинг яхши-ёмон кунларида елкадош бўлиб турган оқсоқол нафсига ортиқча эрк бериб юборди шекилли, хатоликка йўл қўйди. У маҳалла котибаси Ж.Жаманова ҳамда шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази ходими А.Умировлар билан тил бириктириб, давлат мулкини талон-торож қилишга уринишди.***

**Файзулла АРСЛОНОВ,**
Каттақўрғон шаҳар прокуратураси терговчиси

Ҳаммаси К.Тошпўлатовнинг қизи Лайлонинг фарзандига нафақа тайинлаш билан бошланди. Катта оилага келин бўлиб тушган Лайло фарзандли бўлгач, кўп қатори фарзандига нафақа олмоқчи бўлди. У шу мақсадда отасига мурожаат қилди. Қизининг илтимосини ўйлаб кўрган раис унинг раъйини қайтаргиси келмадими, ҳарқалай иложини қилишини айтди.

— Сенда фарзанд битта. Шунинг учун қайнсинглинг Насиба Туркманованинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини ҳам олиб кел. Аризангда Насибани ҳам фарзандим, деб ёз, — деди раис ота.

Қизи ҳайрон бўлди.

— Тартиби шунақа, айтганимни қилиб ёзавер.

Лайло аризани айтилганидек ёзди ва бошқа керакли ҳужжатлар билан котибага олиб келиб берди.

Бу хатоликни бандликка кўмаклашиш маркази ходими Азамат ва котиба Жамилалар кўрса-да, раиснинг буйруғига биноан кўрмасликка олишди. Натижада Лайло 2011 йил сентябрь ойидан 2012 йил март ойигача "Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида"ги Низомга биноан сохта ҳужжатлар асосида нафақа пулларини олиб келди. Бу орада Лайлонинг иккинчи фарзанди туғилди. Баъзи сабабларга кўра фарзандига туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани ололмади. Аммо Лайлонинг кейинги олти ойлик нафақа пулларини ҳам олишига бу тўсқинлик қилолмади. Отасининг ёрдами билан аввалги қалбаки ҳужжатлар асосида 2012 йилнинг апрелидан июль ойигача нафақа пулини олиб юраверди. Натижада, у ноқонуний 265 минг 980 сўм пулни нафақа сифатида олди.

Орадан бироз вақт ўтиб, шу маҳаллада яшовчи Тожихол Қурбонова икки нафар фарзандига нафақа тайинлашни сўраб маҳалла идорасига келди. Ваҳоланки, оқсоқол маҳалла ҳудудидаги барча оилаларнинг моддий аҳволи, ким қаерда ишлашини яхши биларди. Тожихол, унинг турмуш ўртоғи Қилич ҳам, ҳатто қизлари Озода ҳам давлат муассасасида ишлаб, етарлича маош олишарди. Уларнинг даромадларини қўшиб ҳисобласа, белгиланган мезонлардан ошиб кетишини раис билса-да, қандайдир мақсадларни кўзлаб, Тожихолга рад жавобини бермади. Бу оиланинг иш ҳақлари тўғрисидаги маълумотларни нафақа тайинлаш ҳужжатларига қўшиш "ёдидан кўтарилиб", Тожихолнинг фарзандларига нафақа пули тайинланди. Натижада 251 минг 680 сўм нафақа пули ноқонуний равишда берилди.

Шунингдек, маҳалланинг Ш.Рашидов кўчасида яшовчи Хосият Тўхтамишева икки нафар фарзандига нафақа тайинлашни сўраб мурожаат қилди. Аслида эса унинг бир нафар фарзанди бўлиб, иккинчиси набираси. Қолаверса, унинг фарзанди 18 ёшга тўлган эди. Маҳалла раиси ва комиссия аъзолари бу ҳолатни ҳам билиб туриб "билмаганга" олишди. Натижада Х.Тўхтамишевага ҳам нафақа тайинланиб, тўланди.

Маҳалла раиси К.Тошпўлатов ҳамда нафақа тайинлаш комиссия аъзолари Жамила Жаманова ҳамда Азамат Умировларнинг бундай ноқонуний хатти-ҳаракатлари назоратдан четда қолган йўқ. Ўз манфаатини ўйлаб, давлатга келтирган зарарлари судда кўриб чиқилди ва ҳар учала "ҳужжатбазорлар" тегишли жазосини олишди.

***"Саломатлик — туман бойлик", дейди доно халқимиз. Республикамизда 2000 йил — "Соғлом авлод йили", 2001 йил — "Оналар ва болалар йили", 2005 йил — "Сиҳат-саломатлик йили", 2006 йил — "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" ва 2012 йил — "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши халқнинг, оиланинг, келажак авлоднинг саломатлиги, соғлиғи ва баркамол ривожланиши учун ўлкан замин яратди ҳамда бу борада тиббиёт ходимларига юксак ва халқ соғлиғини қўриқлаш каби масъулиятли вазифа юклатилди.***

# Ҳар ким қилса ўзига...

**Анвар ИСРОИЛОВ,**
СВОЖДЛКК Департаментининг Навоий вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари

Ушбу соҳада жонбозлик кўрсатган бир гуруҳ тиббиёт ходимлари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими", "Меҳнат шуҳрати", 2-даражали соғлом авлод учун ордени, "Дўстлик" ордени, "Шуҳрат" медали каби мукофотлар билан тақдирланди.

Бироқ "Гуруч курмаксиз бўлмайди", деганларидек, саломатлик посбонлари бўлмиш тиббиёт ходимлари орасида ҳам оқ халат кийиб, унга қора доғ тушириб юрганлар ҳам йўқ эмас.

Фахриддин Зокиров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Навоий вилоят тери-таносил касалликлари диспансери таносил касалликлари бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи лавозимида 2012 йил январь ойидан ишлаб келган. У фуқаро Равшан Носиров қонуний асосларда уй шароитида даволанишни сўраб мурожаат қилганида 300 минг сўм миқдорда пора беришни талаб қилади. Ўтказилган тезкор тадбир давомида Фахриддин Зокиров 300 минг сўм пора олаётган вақтда ушланган.

Ҳар ким экканини ўришини кеч англаган судланувчи Фахриддин Зокировга жиноят ишлари бўйича Навбаҳор туман суди 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.



# Гиёҳванд қотил

## ИИБ ходими умрига зомин бўлди

*Аслиддин (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳеч одам бўлмади, бўлмади. У ўттизни қоралади ҳамки, ҳаётга енгил-елпи қарайди, яшашнинг мазмунини фақат маишатларда, улфатчиликда, деб билади. Ана шу ақли ноқислиги туфайли айни йигит ёшида наша сотиб, шу балони ўзи ҳам чекиб, бир марта қамалиб чиққан эди. Иккинчи марта ИИБ ходимлари унинг қўлига кишан солиб олиб кетаётганда Гулдек хотини, эндигина тетапоя бўлиб бораётган жажжигина дилбанди ортидан бўзлаб қолавердилар.*



**Қаҳрамон БОЙЗОҚОВ,**
Наманган шаҳар прокуратураси катта терговчиси
**Нилуфар НИЁЗОВА,**
«Нидид»

Аслиддин қамалгач, Руқия хола анчайин ўзини олдириб қўйди. Ота ҳам ич-этини еб юрар, маҳалла-кўй олдида боши эгик бўлса-да, хотини олдида ўзини анча бардам тутар, эзилаётганини унга билдирмасди.

Ҳаш-паш дегунча йиллар ўтиб, Аслиддин озодликка чиқди. Яна ота уйига қайтиб, оиласи билан яшай бошлади. Атрофдагилар назидда, ҳаммаси изга тушиб кетган, Аслиддин инсофга келиб қолгандек эди гўё. Ота-она, маҳалла аҳлининг ҳам хавотири ариган, унинг юриш-туриши бинойидек кўринарди. Аммо бу осойишталик ортида тўфон яширин экани кейинроқ маълум бўлиб қолди.

Ёзнинг жазирама иссиғи кишини беҳаловат қилиб, ҳамма ўзини соя-салқинга урган паллa. Соат кечки олтини кўрсатаётган бўлса-да, иссиқнинг тафти ҳамон кўнгилларни беҳузур қилади.

Аслиддин шу куни эрталабдан ўзини нохуш сезиб, нима қиларини билмай қолди. Нашанинг хумори тутганда, одатда, шундай ҳолатни бошидан ўтказарди. Шу боис, тушга қадар таниш-билишларидан дараклаб, Наманган шаҳри, "Гулистон" маҳалласидаги лўли миллатига мансуб кишидан 3 дона "гашиш"ни 4500 сўмга сотиб олди.

Куни билан кўчаларни айланиб, тентиради. Кечки салқинда "Намангандонмаҳсулотлари" ОАЖ биноси ёнидан ўтаётган пайтда уни ИИБ ходимлари тўхтатишди. Афтидан, унинг кўзлари олазарак, ўзи билан "ёвузликлар дояси"ни олиб кетаётганини сездириб қўяётганди чоғи.

Холислар гувоҳлигида унинг ён-вери кўздан кечирилгач, сигарет қутисига солинган 3 дона "гашиш" топилди-ю, аввал суриштирув, кейин тергов ҳаракатлари бошланди. Бир-икки марта терговга борган Аслиддин кейин ўз билганидан қолмай, ИИБ чақирувини жавобсиз қолдирди. Тайинки бу ҳолат уни мажбурий тартибда терговга жалб этишга олиб келди.

— Мен Аслиддин Қобуловни излаб келгандим, — деди ИИБ ходими Саид Маҳмудов унинг яшаш хонадонига келиб. У келган паллада қўшни бола Аслиддиннинг отасига қарашли, шундоққина дарвоза ёнида жойлашган савдо дўконида салқин ичимликлар ва музқаймоқ сотиб ўтирарди. "Дамас" машинаси келиб тўхтаб, ичидан ИИБ ходими тушгани ва ўзи томон юриб келганидан хавотирланиб қараб турарди.

— Уларни анчадан буён кўрганим йўқ, уйда бўлсалар керак, — деди болакай елкасини қисиб.

Шу пайт дарвозадан Аслиддиннинг ўзи чиқиб келди.

— Ҳа, ака, хизмат? — сўради у беписандлик билан.

— Нега терговга бормаяпсиз? — Саид Маҳмудов ўз хизмат вазифасини бажараётгани учун босиқлик билан унга юзланди. — Тартиб бўйича ҳозир сизни мажбурий тартибда терговга олиб боришим керак. Терговчининг қарори бор!

— Э-э, бир неча марта бордим ўша терговига. Энди бормайман! — негадир Аслиддин бепарво ва хотиржам эди. Унинг юзида "нима қилолардинг?" деган истеҳзо зоҳир эди.

— Мени қаттиқ гапиришга мажбур қилманг, барибир терговга боришингиз шарт!

Аслиддин қараса, ИИБ ходими ортига чекинадиган эмас. Шу тарзда тортишаверса, ўзига қийин бўлишини англаб, уни алдашга ҳаракат қилди. Шу тобда хаёлида уни тезроқ бу ердан кетказиб юборгач, ўзи жуфтакни ростлаб қолиш эди. Аммо Саид Маҳмудов ҳам анойилардан эмасди. Аслиддиннинг ниятини сезиб турарди.

— Сиз бораверинг, мен кийимларимни алмаштириб, ортингиздан етиб бораман! — деди Аслиддин унга муғомбирона боқиб. Бироқ унинг ёлғон гапираётганини билиб турган Саид Маҳмудов бош чайқади:

— Йўқ, сизни ўзим билан олиб кетишим шарт! Мен хизмат вазифамни бажаряпман!

У шундай дея Аслиддиннинг шимини тасмасидан тортиб, ташқарига бошлади.

— Қўлингни торт! — Аслиддин бир силтаниб унинг қўлидан чиқиб кетмоқчи бўлди, аммо Саид Маҳмудов жуда бақувват эди, бас келолмади. Шу пайт ичкаридан Аслиддиннинг онаси Руқия хола чиқиб келди.

— Тинчликми, болам? — сўради у юрагини ҳовучлаб. У ўғлининг доимо бир ишкал чиқариб юришидан қўрқиб яшар, юрагини олдириб қўйганди. Ҳозир ҳам бир кўнгилсизлик бўлганини сезиб, югуриб чиққанди.

— Ўғлингизнинг гиёҳванд модда билан ушланганини, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилганини билармидингиз? — сўради Саид Маҳмудов унга юзланаркан.

— Биламан, болам... — Руқия хола шивирлагандек жавоб қилди.

— У терговдан қочиб юрибди. Шунинг учун менга мажбуран ИИБга олиб бориш топширилган...

Унинг гапи тугамай, Аслиддин бақиришга тушди:

— Ҳозир кийимимни алмаштириб, ортингдан етиб бораман, десам кўнмаяпти!

Ўғлининг важоҳатидан чўчиган хола ИИБ ходимига ялинишга тушди:

— Уни қўйвора қолинг, ўғлим! Орқангиздан бораман, деяпти-ку?! Агар ўзи бормаса, дадалари олиб борадилар...

— Бормайди, хола! Сиз аралашманг! — Саид Маҳмудов шундай дея қўлига ёпишиб ялинаётган аёлни четга сурмоқчи эди, у нимагадир қоқилиб йиқилди. Аслиддин учун худди шунақа вазият керак бўлиб турганди. У гарчи онасининг у қадар қаттиқ йиқилмаганини кўриб турган бўлсада, аламини олиш, шунингдек, ИИБ ходимининг қўлидан чиқиб кетиш мақсадида "Кока-кола" ичимлиги шишаси билан унинг бошига урди...

Бир зумда ғала-ғовур бошланиб кетди. Саид нима бўлганини англаёлмай, ерга қулади. "Дамас" ҳайдовчиси эса шошилганча уни машинагача кўтариб бориб, шифохонага ошиқди. Бироқ... Саид Маҳмудов ҳушига келмай, вафот этди.

Энди бу ёғини эшитинг. Аслиддин аслида қилиб қўйган ишининг оқибатидан ташвишга тушиб, шифохонага бориши, ИИБ ходимининг соғлиғидан бохабар бўлиши жоиз эди. Аммо у пинагини ҳам бузмади. Аксинча, бемалол ўз уйига кириб кетди.

Воқеадан хабар топган бир неча нафар ИИБ ходимлари уни излаб келишгач ҳам билганидан қолмай, қўлига пичоқ олганича уларга таҳдид қилишдан орланмади:

— Яқинлашмаларинг! Ҳозир ҳаммангни ўлдираман!

Зўравон барибир таслим бўлди. ИИБ ходимлари унинг қўлига кишан солиб олиб кетишди.

Суд бўлди. Аслиддин узоқ йилга озодликдан маҳрум этилди.

Бир қарашда ҳақиқат қарор топди, қонун бўйича жиноятчи жазосини олди. Аммо... аммо бир инсон умрига сабабсиз нуқта қўйган кимса кўнгил ҳаловатидан айрилди... У бир умрлик виждон азобида қолди. "Агар ўша куни унга бўйсунганимда... ИИБга борганимда..." каби ўй-фикрларга қоришиқ кунлари зулматга айланди...

Саид Маҳмудовнинг оила аъзолари эса мотам либосини кийишди. Ўртага фироқ, бир умрлик айрилиқ оралади. Унинг болалари чирқираб қолди. Уларнинг кўз ёшларини ким артаркин энди?

# Зўравон одамфурушлар

**Ургутлик Наврўз отаси билан бирга Россия Федерациясига бориб ишламоқчи бўлди. Кунларнинг бирида уларга олдиндан таниш бўлган қўшни қишлоқда яшовчи Шомурод ака Наврўзнинг онаси Саодат опани учратиб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашганларидан кейин Шомурод ака Наврўзнинг отасини сўради.**

**Саъдулла МУСТАЕВ,**
Ургут туман прокурори ўринбосари

— Россияга ишлашга кетмоқчи бўлиб юришибди, — деди гап орасида Саодат опа. Худди шуни кутиб тургандек Шомурод ака:

— Россияда иш бор эди, ишчи излаб юрибман. Маоши ҳам яхши. Истасанглар эрингиз билан болангизни ҳам олиб кетаман, — деди.

Саодат опа келиб, бу гапни Узоқ акага айтди. Турмуш ўртоғи Шомуроднинг анчадан бери танишини, ишонса бўлишини айтди.

Эртасига Узоқ ака Шомуродга учрашиб, Россияга кетишга розилигини, уч киши боришини айтди. Шомурод ака кетиш харажати 650 минг сўмдан бўлишини маълум қилиб, пулни олиб келишни тушунтирди. Наврўз ўзи, отаси ва поччаси Абдуроби учун 1 млн. 950 минг сўм пулни ва паспортларини Шомурод аканинг ўғли Тоҳирга келтириб берди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, Шомурод ака қўнғироқ қилиб:

— Эртага кечқурун Самарқанд вокзалига келинглар, йўлга чиқамиз, — деди.

Вокзалга келишса, йигирмадан зиёд киши экан. Улар поездга билет олишолмади. Вагонларга учта-тўрттадан чиқиб олишди. Уч кунда поездда бир амаллаб Россиянинг Саратов шаҳрига етиб боришди. Бу ерда Шомурод уларни машиналарга миндириб, Санкт-Петербургнинг Веритца шаҳарчасига олиб борди. Янги келганларни хоналарга жойлаштиришди. Наврўз, отаси, поччаси ва яна уч-тўрт киши бир хонага жойлашди. Бироздан сўнг кириб келган Шомурод:

— Паспортларингизни рўйхатдан ўтказиб бераман, унгача менда туради, — деб йиғиштириб олди.

Эртаси куни улар иш бошлашди. Бир неча кун бир кишининг уйини таъмирлаб беришди. Келишилган 1400 АҚШ долларидан бир сўми ҳам уларнинг қўлига тегмади. Суриштиришса, Шомурод ака "Менга пул берилган эмас" деб алдади, уй эгаси эса "Шомуродга берганман" деб туриб олди. Шомурод ака ноилож қолгач, муросагa келгандек бўлди:

— Ишлаб туринглар, мен пулни ишлатиб қўйдим, кейинроқ бераман, — деди.

Ишловчилар бироз норози бўлишса-да, кўнишди. Шундан сўнг Шомурод ака юртдошларини турли ишларга юбориб турди. Улар оғир шароитларда — зах ва совуқ жойларда қийналиб ишлаб юришди.

Наврўз Алишер ва Меҳрож исмли йигитлар билан бир магазинни таъмирлашди. Шомурод ака келишилган 9000 АҚШ долларидан ҳар бирига бор-йўғи 500 АҚШ долларидан берди, холос. Норозилик кучайди. Ҳақ талаб қилингани ботиб кетди шекилли, Тоҳир "Юринг, бир жойга бориб келамиз" деб, Узоқ акани машинада олиб кетди. Улар анча юриб, бир ўрмончага боришди. Бу ерда икки нафар рус йигити турган экан. Тоҳир Узоқ акага:

— Агар сен мендан яна пул сўрасанг, шу ерларда ўлиб кетасан, — деди дағдаға билан. Йигитлар ҳам қараб туришмади, унга қўшилиб дўқ-пўписа қилишди. Тоҳир бунга ҳам қаноатланмай қўлидаги калтак билан уни роса урди. Шу билан Узоқ акадан "қутулдик" деб ўйлашди шекилли, бошқа йигитларга зуғум ўтказа бошлашди. Эртасига Тоҳир тоғаси Ҳусниддин билан келиб, улар билан бирга ишлаётган Ҳамзани уриб-тепиб, оғзи-бурнини қон қилишди. Узоқ ака Тоҳирдан яна калтак еди. Норозилик кучайиб, Шомурод акадан паспортларини беришларини талаб қилишди. Улар эса "Олти-етти ой ишланглар, мен билан кетасанлар" дейишди. "Барибир кетамиз" дейишавергач, Шомурод ака, "Ўғлим Тоҳир паспортларингни йиртиб ташлаган" деди. Дўстқобил деган йигит "Топиб бер паспортимни" деб туриб олгач, Тоҳир уни ҳам дўппослади.

Эртасига тўрт киши ишга чиқди. Бу сафар бир айвонча ва гараж қуришди. Лекин ҳақларини олишолмади. Жаҳли чиқиб кетган Дўстқобил: "Сенинг ишларингни милицияга айтиб бераман", деди. Тоҳир эса "Қўлингдан келганини қил, уқ қандай жойга қўлим етади", деб Дўстқобилни ура бошлади. Тоғаси Ҳусниддин "Уни ўлдириб қўясан-ку" деб ажратиб қолди. Барча гаплардан хабардор бўлган Шомурод ака эртаси куни кечқурун икки нафар рус қизини етаклаб келиб қолди. "Хафа бўлманглар, бу қизлар билан кўнгилхушлик қилинглар" деб чиқиб кетди. Ярим соатлардан кейин Тоҳир кириб келди.

— Дастурхон тузатинглар, ароқ ва бошқа нарсалар қўйинглар, — буюрди у.

Индамай тураверишгач, Дўстқобилга: "Бу қизни қучоқла", деб буюрди. Дўстқобил индамай туравергач, Тоҳир уни урмоқчи бўлди. Вазиятдан қутулиш учун Дўстқобил қизларнинг ёнига ўтиб ўтирди. Тоҳир унинг қўлига ароқ шишасини тутқазди. Сўнг уяли телефонига суратга туширди. "Бу расмларни турмуш ўртоғингга юбораман, энди қўлингдан ҳеч нарса келмайди, менинг айтганимни қиласан ёки шарманданг-ни чиқараман" деб қўрқитди.

Эрталаб Шомурод ака уларни янги қурилишга олиб борди. "Пулларингни ҳаммасини бирга оласанлар" дейишни унутмади. Ишламаса оч қолишларини билган йигитлар тинчгина ишлашни маъқул кўришди. Бир неча кундан сўнг ургутлик Собирни учратиб қолишди. У йигитларга Шомурод ака ва Тоҳир уни электр токи билан қийнаганини, бу асбоб "электрошок" деб аталишини айтиб берди. Буни эшитган ишчилар янада қўрқиб қолишди.

Бир куни Наврўз ишдан келиб ювинаётганда Тоҳир келиб қолиб, ташқарига чақирди. Унинг ёнига борган Наврўзнинг биқинига бир нима билан урди. У ток урганидан йиқилиб тушди. Ўзига келгач, турғазиб бир хонага олиб киришди. Мажбурлаб иш ҳақларини олганлиги ҳақида тилхат ёздириб олди. Сўнг паспорти ва йўлга етадиган пул берди. Бошқаларга ҳам шу усулни қўллаган шекилли, кўпчилик жимгина ортига қайтишга рози бўлди.

Уйига бир амаллаб қайтиб келган жабрланувчилар Шомурод ва Тоҳир Мирзаевларнинг қилмишлари ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар қилишди.

Суд Тоҳир Мирзаевни 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилди. Шунингдек, жабрланувчиларга етказилган зарар ундириб бериладиган бўлди.

# Ўрганган кўнгил

Комил ТАДЖИКУЛОВ,
Олмазор туман прокурори
Гули ҲОЖИБОЕВА,
«Huquq»

— Бекор ўтиргандан кўра менга қарашсанг бўлмайдими? — деди буви набирасини койигандек бўлиб.

— Одамни тинч қўйинг. Дам олгани ҳам қўйинг-да, — деди қўполроқ оҳангда Иброҳим.

— Э-э, болам. Бекорчидан худо безор дейишади. Капкатта йигит бўлиб қолдинг. Сенга қачон ақл киради? Бошқаларга ўхшаб бирон-бир касб-ҳунар ёки спорт билан шуғуллансанг бўларди. Куни билан кўчада сангиб юрасан. Ўтган йили милицияхоналардан оёғимиз келмади.

— Буви, энди ўтган йилги воқеаларни бир умр гапириб юрасизми? Ўз ҳолимга қўйинг...

Буви билан набира ўртасида бундай гаплар деярли ҳар куни бўлар эди. Бу каби танбеҳлардан юзи қотиб кетган Иброҳимнинг пинаги ҳам бузилмасди. Кунларнинг бирида "Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас" деганларидек, кундузги тахминан соат 12:00 ларда Иброҳим Толипов, Аброр Соатов ва Муҳиддин Шеров(барча исм-фамилиялар ўзгартирилган)лар Олмазор тумани Форобий кўчасидаги 111-сонли мактабнинг футбол майдонига келишади. Йигитлар орасида Иброҳим анча-мунча шўхроқ ва шерикларидан ҳам икки-уч ёш каттароқ бўлганлиги боис ўртоқлари унинг гапига қулоқ солишарди.

Йўл четида қаровсиз турган Элдор Амирқуловга тегишли оқ рангли "Нексия" русумли автомашина Иброҳимнинг эътиборини тортди. У машинанинг ёнига келиб, ғилдирагини тепиб кўрди. Йигитлардан бири:

— Бу нима қилганинг. Агар сигнализацияси бўлса, қочишга тўғри келади.

— Э-э, бу текшириш усули эди, холос. Кўрдингми, сигнализация қўйилмаган экан. Йўқса эгаси чиқарди.

— Эгаси биздан кўрса-чи, — деди Муҳиддин.

— Бунча лапашанг бўлмасанглар, "Мушук машинангиз тагидан ўтиб кетди" деймиз, — деди Иброҳим.

— Ғалвани нима қиламиз, — деди Аброр.

Иброҳим машинани кўздан кечираётганида тўсатдан ҳайдовчи ўтирадиган тарафдаги ойнанинг тахминан 7-8 см. очиқ турганини кўриб қолди.

— Кўрдиларингми, бежизга "уйчи уйига етгунча, таваккалчи уйига етади" дейишмаган.

— Ҳар қалай эҳтиёт бўлган яхши, — деди йигитлардан бири.

— Иккаланг ҳам қўрқоқсан. Кечадан бери зерикдик деб, ҳол-жонимга қўймадиларинг. Бугун сизларни зериктирмайман.

— Нима қиламиз? — сўради Муҳиддин.

— Айтганимни қилсаларинг бўлди, — деди Иброҳим атрофга назар ташлаб.

Аброр билан Муҳиддин атрофга қоровуллик қиладиган бўлишди. Йигитлар бир зумда машина салони ичидаги Э.Амирқуловга тегишли бўлган нархлари 150 минг сўмлик "Нокиа-N70" телефон аппаратини, 150 минг сўмлик "CASIO" номли қўл соати, 65 минг сўмлик "GUCCI" ва 100 минг сўмлик "CANTLOR" барсеткаларини, 50 минг сўмлик "пакки" пичоғини, 10 купюрадаги АҚШ доллари ҳамда 70 минг сўм нақд пулни олиб, воқеа жойидан ғойиб бўлишди.

Машина эгаси Элдор Амирқулов мактаб биносидан чиқиб, автоуловининг олди тарафидаги ойнаси туширилганига кўзи тушади. У машинасидаги буюмларнинг йўқолганини билгач, зудлик билан милицияга мурожаат қилади. Воқеа жойига милиция ходимлари келиб, криминалистик текширувларни бошлаб юборишади. Жабрланувчининг машинаси кўздан кечирилганда, ўғрилар машина ойнасини куч билан очиб, салонга кирганлиги ва ўғрилик содир этилганлиги аниқланди. Мазкур воқеа юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, тезкор қидирув ва суриштирув ишлари бошланиб кетди. Аниқланишича, ушбу жиноятга мукаддам судланган Иброҳим Толипов бошчилик қилган бўлиб, у айни вақтда касб-ҳунар коллежининг 2-курс ўқувчиси экан. У курсдоши Аброр Соатов ва мактаб ўқувчиси бўлган Муҳиддин Шеровни ҳам мазкур жиноятга шерик қилган.

Мазкур жиноят иши судга тақдим этилди. Одил суд ўз ҳукмини эълон қилди. Иброҳим Толипов, Аброр Соатов ва Муҳиддин Шеровлар ЖКнинг тегишли моддаларига биноан айбдор деб топилиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди.





# Охири хайрли бўлмади

Нодирбек БАБАЕВ,
Андижон шаҳар прокуратураси
катта терговчиси

***Бундан роса уч йил аввал Нафиса Мурод билан танишганида бир кун келиб, шу йигитча умрига зомин бўлишини ўйлаб кўрмагандир эҳтимол. Андижон шаҳрида рўйхатда тургани ҳолда, туманда истиқомат қилувчи Мурод Ҳусниддинов қиз билан ўзининг шахсий "Матиз" автомашинасида кира қилиб юрганида танишиб қолганди. Аввал турмуш қуриб, сўнгра рўзғори пароканда бўлган Нафиса Латипова Мурод билан апоқ-чапоқ бўлиб юрди. У билан бир муддат Фарғонада ижара уйда яшаб ҳам келишди. Иккиси савдо мақсадида борган бўлсалар-да, овлари бароридан келмади. Нафиса унга ўзига ишонгандек ишонар, ҳатто йигитчанинг пули қолмаса, онасининг пластик карточкасини ҳам бериб турарди.***

— Қизингизни йиғиштириб олинг, ўғлимни йўлдан уриб юрибди экан, — деди бир куни уларнинг уйига келган Муроднинг онаси Ҳукуматхон ая. — Барибир, бу иш яхшилик билан тугамайди.

— Ўғлингиз билан қизим шунчаки гаплашиб юрибди, холос. Бошқа ҳеч гап йўқ, — деди Нафисанинг онаси.

Аммо Ҳукуматхон ая анчагина ғавғо қилди.

— Ая, сизга мен айтолмай юрардим, Мурод анчадан бери ортимдан юрибди, болаларни олгани боғчага борсам ҳам кутиб турган бўлади. "Мен сен ўйлаган қизмасман, болаларим бор", десам ҳам кўнмаяпти, — деб қолди бир куни Нафиса онасига.

— Онаси келиб кўрсатган ҳунарини кўрдингми? Яна бир марта сени безовта қилса, тўғри бориб мелисага бераман, — деди онаизор.

Орадан уч кун ўтиб, остонада Муроднинг ўзи пайдо бўлди.

— Кечирим сўраб келдим, онам келиб, сизларни анча безовта қилибди, — деди у.

— Эй, буни боласи бор, бориб тенгингни топгин, эшитдингми? — ўдағайлади жаҳли чиққан она.

— Ая, ниятим жиддий, қизингиз менга ёқади. У билан турмуш қурамиз, — деди Мурод.

Аммо бу ишлар Нафисанинг жонига тегди: у ҳудуд профилактика инспекторига ёзма мурожаат қилди ва натижада ҳар иккисидан тушунтириш хати олинди. Мурод шу-шу кўринмай кетди. У Тошкентга пул топиш учун ишлагани кетди. Икки ой мобайнида пул ишлаган Мурод яна Андижонга қайтиб келди ва бир танишидан Нафисанинг Улуғбек деган бола билан юрганлигини эшитиб қолди. Эшитди-ю, ғазаб отига минди. Нафисани топиб, ундан изоҳ талаб қилди.

— Сен менга хўжайин эмассан, билганимни қиламан, — деди у.

— Тан оласанми, йўқми?

— Айтдим-ку, ишинг бўлмасин.

Шу ерда Муродни шайтон йўлдан адаштирди. Қандай бўлмасин, Нафисани ўлдириб, ундан ўч олиш пайига тушди.

Шу йил апрель ойининг ўн еттинчи санаси эди. У хўжалик пичоғини олиб, Нафисанинг болалари тарбияланадиган боғча ёнига келди. Уни топди.

— Айбингни тан ол, — деди у.

— Сен менга бошлиқ эмассан, — деди жувон.

Тутақиб кетган йигит унга ташланди. Атрофдагилар уни ажратмоқчи бўлишди. Шу Нафиса уяли телефонидан укасини чақирмоқчи бўлди. Бироқ Мурод унинг қўлидан телефонни юлқиб олди-да, отиб юборди. Кейин у яна қизга ташланди. Кўзи қонга тўлиб, жияни, фарзандлари кўзи олдида Нафисага саккиз марта пичоқ урди. Қоровул келиб қолгач, уни оғир аҳволда қолдириб, қочиб кетди. Нафиса Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий-амалий маркази Андижон филиали жарроҳлик бўлимига ётқизилди. Бироқ у оғир тан жароҳатлари оқибатида касалхонада ҳаёт билан видолашди.

Бир инсон тақдирини ўйинчоқ деб билиб, унинг ор-номуси ва жонига тажовуз қилган, вақтинча ишсиз Мурод Ҳусниддинов ЖКнинг турли модда ва бандларига асосан тегишли жазосини олди.

Савол туғилади: бу жиноят содир бўлмаслиги мумкинмиди? Албатта, мумкин эди. Агар атрофдагилар бу икки инсон тақдирига бефарқ бўлмаганларида, тарбия ишига панжа ортидан қарамаганда, бир инсоннинг ёстиғи қуримаган, бошқа бири панжара ортига кетмаган бўларди. Афсуски, энди кеч. Галдаги ҳаёт йўлида Мурод адашмайди, деб ишонамиз. Ахир халқимиз "Кўр ҳассасини бир бор йўқотади", деб бежиз айтмаган.

# «Таниш ўсимлик»

***Ўтмишдан ўсимликлар олами ўзининг гўзаллиги, хилма-хиллиги, хушбўйлиги-ю, минг дардга даволиги билан инсониятни лол қолдириб келган. Табиат инъоми бўлган ўсимликлар турига қараб, инсонга салбий ва ижобий таъсир кўрсатиши билан фарқланади. Тиббиёт инсон ҳаёти ва саломатлигини издан чиқарувчи кўплаб ўсимликларни аниқлаган бўлиб, булар орасида одамни вақтинча сархуш қилиб, кейинчалик ўзига тобе қиладиган ўсимликлар (кўкнор, наша ва бошқалар) шулар жумласидандир. Манбаларда ёзилишича, минтақамизга мазкур ўсимликларни Искандар Зулқарнайннинг лашкарлари келтирган экан.***

Шуҳрат КАРИМОВ,
Ўрта Чирчиқ туман прокурори

Муқаддам бундай ўсимликлар фақат тиббиётда тинчлантирувчи таъсири ҳисобига оз миқдорда ишлатилган бўлса, бугунга келиб унинг таъсири кўплаб оилаларнинг бузилишига, ёш умрларнинг хазон бўлишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун бу ўсимликларни етиштириш бутун дунё мамлакатларида кескин тақиқлаб қўйилди. Гиёҳвандлик — аср вабоси, дея аталиб, унга қарши дунё ҳамжамияти биргаликда кураш олиб боришни лозим кўрди. Мамлакатимизда ҳам бу каби жиноятларга қарши курашга жиддий эътибор қаратилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан доимий назорат тадбирлари ўтказилиб келинмоқда.

Хусусан, ҳамюртимиз Тўлқин Муродов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Ўрта Чирчиқ тумани Пахтабод ҚФЙ ҳудудида жойлашган пахта даласи четидан оқиб ўтувчи ариқ бўйидан ўтаётганда унинг эътиборини ям-яшил тусдаги ўсимлик тортди. "Буни қара, жуда зўрку! Керак нарса учради" деганча, ўзига-ўзи гапира кетди. Ёввойи наша ўсимлиги унга нотаниш эмас эди. Хаёлига келган фикрдан унинг кўзлари янада катталашиб кетди. Чунки буни оби-тобига келтириб пулласа бинойидек фойда олиб келарди-да.

Қиморбозларнинг бир гапи бор "Кўлинг келиб турса, қимор ҳам гулдек ҳунар" дейишади. Т.Муродов ҳам шундай ўйлади, шекилли. Шунинг учун ёввойи нашанинг шохларини кесиб, уйига олиб келди. Сўнг уларни авайлаб қуритиб, сақлаб қўйди.

Ўтказилган тадбирда Тўлқин Муродов уйининг томида сақлаб қўйилган 246,9 гр. наша гиёҳвандлик воситаси турига кирувчи ўсимлик топилди.

Бундан ташқари, унинг ертўласидаги 2 литрли шиша идиш ичида 6 дона кўкнори бошоқлари борлиги ҳам аниқланди.

Бир неча бор судланиб, тегишли хулоса чиқармаган Тўлқин Муродовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукмига биноан тегишли жазо тайинланди.

# Тадбиркорлик ривожи — бош мезон

***Иқтисодиётимиздаги бугунги юксак натижаларга эришишда юртимиздаги банк-молия муассасалари тобора катта аҳамият касб этмоқда. Хусусан, етакчи банклардан бири ҳисобланган "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки бунда ўзига хос мавқега эга. Аввало, иқтисодиёт тармоқларига ажратилаётган кредитлар салмоғи, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар самараси, мижозлари сафи кундан-кунга ортиб бораётгани ана шундан далолат беради.***

"Асака" банкнинг ижобий ютуқларини кўпайтиришга ҳисса қўшаётган, жойларда мижозларга турли молиявий хизматлар кўрсатиб, ишончли ва самарали молия муассасаси сифатида обрў қозонган бўлимлари, филиаллари қаторида унинг Қорақалпоғистон филиали ҳам бор.

Бугунги кунда "Асака" банкнинг Қорақалпоғистон филиали жамоаси 50 мингдан зиёд юридик ва жисмоний шахсларга намунали банк хизматлари кўрсатиб келмоқда. Ҳозирги натижаларга кўра, банкнинг молиявий имкониятларини яққол кўрсатиб берадиган жами активлар миқдори 2012 йил 1 октябрь ҳолатига 76,4 миллиард сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23,7 миллиард сўмга ўсди.

Маълумки, банкнинг кредит ва инвестицион фаолияти унинг салоҳияти, хизмат кўрсатиш даражасини белгилайди. Зеро, катта-ю кичик корхоналар, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришда ва кенгайтиришда банкларнинг молиявий мададига таянади. Шу нуқтаи назардан, банк жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини такомиллаштириш орқали маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини оширишга сезиларли ҳисса қўшмоқда.

Жорий йилда банк жамоаси томонидан кичик бизнес субъектларига ажратиладиган кредитлар миқдорини ўтган йилга нисбатан 1,3 бараварга ошириш мақсад қилиб қўйилган. Яъни барча молиялаш манбалари ҳисобидан 23,7 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратиш режалаштирилган. Ана шу мақсаддан келиб чиқиб, жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида кичик бизнес субъектларига қарийб 18 миллиард сўм миқдорида кредитлар берилди. Банкнинг ушбу кредитлари ҳисобига 338 нафар янги иш ўринлари ташкил этилганлиги банк жамоаси шу орқали аҳолинимг турмуш фаровонлигини оширишга кўмаклашаётганлигини кўрсатади.

Масалан, Нукус шаҳридаги "ККРАСИ БЕТОН" масъулияти чекланган жамиятига темир-бетон маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит маблағлари ажратилди. Корхона учун тежамкор, яъни кам энергия қувватини сарфлайдиган замонавий технологиялар ва махсус техникалар харид қилинди. Ҳозирда ушбу корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтириш йўлга қўйилди. Натижада, бу ерда бир йилда 25 миллиард сўмга яқин миқдорда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш қуввати яратилди. Шу билан бирга, корхонада қўшимча 62 нафар янги иш ўринлари яратилди. Бу ҳам банк кредитининг самарасидир.

Амударё туманидаги "ELTUZAR" кичик корхонасига қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит маблағлари йўналтирилди. Корхона учун замонавий технологиялар ва ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё харид қилинди. Ҳозирда ушбу корхонада ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада, мазкур корхонада бир йилда 3500 тоннага яқин қурилиш материалларини ишлаб чиқариш қуввати яратилди, қўшимча янги 5 нафар иш ўринлари яратилди.

"Асака" банкнинг сармоялари ҳаётий зарур маҳсулотларни ишлаб чиқариш, шунингдек, хизмат кўрсатишни яхшилашда муҳим омил бўлмоқда. Масалан, Хўжайли туманида фаолият юритаётган "SHAFFOF XOJELI" ишлаб чиқариш хусусий корхонасига банк филиали томонидан корхона фаолиятини кенгайтириш учун узоқ муддатли кредит берилди. Эндиликда бу корхона ушбу маблағлар ҳисобига янги замонавий технология харид қилиб, йилига 350 миллион сўмга яқин нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятини яратди, қўшимча 5 нафар янги иш ўрни яратилди. Ҳозирда бу корхона ўзининг сифатли маҳсулотлари билан аҳолининг эътирофига сазовор бўлмоқда.

Шунингдек, Тўрткўл туманидаги "Тўрткул автотранс" масъулияти чекланган жамиятига ажратилган кредит ҳисобига 8 та "Исузу" русумли автобуслар харид қилиниб, Тўрткўл тумани бўйича 4 та йўналишда йўловчиларга хизмат кўрсатиш яхшиланди. Банк жамоасининг ютуқларини кўрсатиб берадиган бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шу билан бир қаторда, банк жамоаси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳамда оилавий тадбиркорликка қўл уришни ният қилган оилаларга кредит бериш орқали тадбиркорликка жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратаётгани ҳам ибратлидир. Натижада жорий йил бошидан буён 32 та оила банк кредитига эга бўлгач, чорвачилик билан машғул бўла бошлади. Молиявий муассасадан кредит олган 11 нафар коллеж битирувчиси банк маблағлари ҳисобига тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юбордилар. Бу рақамлар қанча оиланинг моддий аҳволи яхшиланганлигини, орзу-умидлари рўёбга чиқаётганлигини яққол тасдиқлаб турибди.

— Ушбу банкдан кредит олиб, 3 та тикув машинаси харид қилдим, — дейди Гоззал Сапарова. — Натижада, шу йилнинг бошидан бутун оиламиз билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юбордик. Ҳозирда оиламизда каттаю кичик, барча иш билан банд. Ҳар ойда ўртача бир миллион сўмдан зиёд тикув-бичув ишларини бажаряпмиз. Ишимиз самарали бўляпти, оиламизга барака кирди. Булар ҳаммаси банк кредити шарофати билан амалга ошаяпти.

Қисқача қилиб айтганда, "Асака" банкнинг Қорақалпоғистон филиали томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, банк кўмагида аҳолида тадбиркорлик қобилияти шаклланиб, кичик бизнес вакиллари иқтисодиётимизни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Тадбиркорликни ривожлантириш, бунёдкорлик ва тараққиёт учун хизмат қилиш эса банк жамоасининг доимий эътиборида турибди.









Т

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2012 йил 27 сентябрдаги 80/6п-сонли буйруғи ва Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри Хўжайли гузари рақамсиз уйда жойлашган "Агрозапчасть" МЧЖ тегишли бошланғич баҳоси 137 685 090 сўм бўлган 2 қаватли 14 та хонадан иборат бўлган хизмат кўрсатиш корпуси (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади)қўйилмоқда.

**Давлат активини балансда сақловчи:** "Агрозапчасть" МЧЖ.

**Балансда сақлаовчининг ихтисослиги:** Хизмат кўрсатиш

Давлат активининг умумий ер майдони 1657,0 кв.м.

Хизмат кўрсатиш корпусида барча коммуникация тармоқлари мавжуд.

Аукцион савдоси 2012 йил 12 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 9 ноябрь куни соат 18:00.

Юқоридаги давлат активи 2012 йил 12 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 28 ноябрь, 14 декабрь ва 31 декабрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2012 йил 28 ноябрдаги савдолар учун 2012 йил 26 ноябрь куни соат 18:00; 2012 йил 14 декабрдаги савдолар учун 2012 йил 12 декабрь куни соат 18:00 ва 2012 йил 31 декабрдаги савдолар учун 2012йил 28 декабрь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоизи, яъни 20 652 764 сўмдан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиалининг ОАТБ "Турон" Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО:00585, СТИР:207122519.

Аукцион савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўланишни таъминлайди.

Аукцион савдолари Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси, 117 "Б"-уйининг 1-қаватидаги "Ким-ошди" савдолар залида бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларини ўтказилиши ва аукцион ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси, 117 "Б"-уй. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz Тел: (8-361) 222-84-44. Электрон почта манзил: user14@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Жиззах вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

Танлов савдосига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Жиззах вилоят худудий бошқармасининг 2012 йил 28 сентябрдаги 62-сонли буйруғига асосан қуйидаги давлат активи қўйилмоқда:

"Жиззах вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси"га қарашли, Жиззах шаҳри, Сайилжойи маҳалласи, Ш.Рашидов кўчаси 263-уй манзилида жойлашган, бошланғич баҳоси — 65 677 263 сўм бўлган ёрдамчи бино (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади.) қўйилмоқда. (фаолият турини сақламаган ҳолда)

Қўшимча 25 000 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш мажбурияти юклатилади.

**Давлат активини балансда сақловчи:** Жиззах вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси.

**Балансда сақловчининг ихтисослиги:** Бошқарув.

Ер участкасининг умумий майдони 754 кв.м. ҳамда бино эгаллаган фойдаланиш майдони 277,76 кв.м.

Танлов савдолари 2012 йил 12 ноябрь куни соат 15:00 да бўлиб ўтади. Танлов савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 12 ноябрь куни соат 12:00да тўхтатилади. 2012 йил 12 ноябрь куни ўтказиладиган очиқ танлов савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 13 декабрь, 2013 йил 14 январь ва 14 февраль кунлари "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Жиззах вилоят филиали биноси савдо мажлислар залида соат 15:00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдо учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати, савдо бошланишидан 3 соат олдин тўхтатилади.

Танлов савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "KMSX" МЧЖ Жиззах вилоят филиалининг АТИБ "Ипотекабанк" Жиззах вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519.

Танлов савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган сумманинг тўланишини таъминлайди.

Танлов савдолари манзил: Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси, 39-уйда бўлиб ўтади.

Танлов савдосини ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси, 39-уй. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Тел: (8-372) 222-34-16 Расмий сайтимиз: www.1kms.uz Лицензия№RR-0001

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилоят филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Сурхондарё вилоят худудий бошқармасининг 2012 йил 4 декабрдаги 85-ОД-сонли буйруғига асосан қуйидаги давлат активи қўйилмоқда:

I. Бойсун туман ҳокимлиги балансидаги Бойсун туман, Ю.Қодиров маҳалласи, Ат-Термизий кўчасида жойлашган, бошланғич баҳоси – 27 284 828 сўм бўлган собиқ "Стомотология бўлимининг биноси" (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади )қўйилмоқда.

**Давлат активини балансда сақловчи:** Бойсун туман ҳокимлиги.

**Балансда сақловчининг ихтисослиги:** Бошқарув.

Ер участкасининг умумий майдони 343,21 кв.м. ҳамда бино эгаллаган фойдали майдони 265,98 кв.м.

"Давлат активи"ни танлов савдоси орқали сотишнинг асосий шартлари этиб қуйидагилар белгилансин:

— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

— энг кўп янги иш ўринларини ташкил этиш мажбуриятини олиш;

— сотиб олиш қиймати ва инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш бўйича энг яхши бизнес-режа тақдим этган "харидор" ғолиб деп топилади.

Танлов савдолари 2012 йил 12 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Танлов савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 9 ноябрь куни соат 18:00.

Танлов савдолари 2012 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий танлов савдолари 2012 йилнинг 19, 26 ва 30 ноябрь кунлари соат 11:00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танлов савдолар бўйича буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2012 йил 19 ноябрдаги танлов савдолар учун 2012 йил 16 ноябрь куни соат 18:00, 2012 йил 26 ноябрдаги танлов савдолар учун 2012 йил 23 ноябрь куни соат 18:00, 2012 йил 30 ноябрь кунидаги такрорий танлов савдолар учун 29 ноябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "КМСХ" МЧЖ Сурхондарё вилоят филиалиниг ХОАБ "Трастбанк" Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

Танлов савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномаси расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган сумманинг тўланишини таъминлайди.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, "Тадбиркорлар маркази" биносида бўлиб ўтади.

Танлов савдоларини ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, "Тадбиркорлар маркази" биноси. Тел: (8-376) 227-57-94 Расмий сайтимиз: www.1kms.uz Лицензия №RR-0001

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Фарғона вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 28 сентябрдаги 48-ПР-сонли буйруғига асосан Фарғона туман ҳокимлиги балансидаги, Фарғона тумани, Аввал ҚФЙ, Оқтепа МФЙ ҳудудида жойлашган, бошланғич баҳоси 53 682 487 сўм бўлган "Чойхона сартарошхона, новвойхона хизмат кўрсатиш мажмуаси" бино-иншоотлари (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) қўйилмоқда.

**Давлат активини балансда сақловчи:** Фарғона туман ҳокимлиги.

**Балансда сақловчининг ихтисослиги:** Бошқарув.

Бино-иншоотлар қурилиш эгаллаган майдони 897,94 кв.м., умумий ер майдони 2454,97 кв.м.

Бино-иншоотларда электр, газ тармоғи мавжуд.

Аукцион савдоси 2012 йил 12 ноябрь куни соат 14:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 9 ноябрь куни соат 18:00.

Юқоридаги давлат активи 2012 йил 12 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 16, 23 ноябрь ва 30 ноябрь кунлари соат 14:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдолар учун буюртманомалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 16 ноябрдаги савдолар учун 2012 йил 15 ноябрь куни соат 18:00; 2012 йил 23 ноябрдаги савдолар учун 2012 йил 22 ноябрь куни соат 18:00, 2012 йил 30 ноябрдаги савдолар учун 2012 йил 29 ноябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган, яъни 8 052 374 (саккиз миллион эллик икки минг уч юз етмиш тўрт) сўм миқдорда закалат пулини "Савдо ташкилотчиси" "КМСХ" МЧЖ Фарғона вилоят филиалининг "Халқ банки" Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011. МФО: 00497, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган сумманинг тўланишини таъминлайди.

Аукцион савдолари Фарғона ш., Б.Марғиноний кўчаси, 35-уйда бўлиб ўтади.

Аукцион савдоси ўтказилиши ва аукцион ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Фарғона ш., Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Тел: (8-373)224-68-69. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz Лицензия№RR-0001

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Фарғона вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ўтказиладиган очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 30 августдаги 39-ПР, 40-ПР-сонли буйруқларига асосан қуйидаги давлат активлари қўйилмоқда:

1. Қувасой шаҳар ҳокимлиги балансидаги, Қувасой шаҳри, Найман ҚФЙда жойлашган бошланғич баҳоси 185 493 211 сўм бўлган ҳаммом бино-иншоотлари (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади.) қўйилмоқда.

Танлов савдоси ғолибига 2(икки) йил давомида 200 000 000 (икки юз миллион) сўм миқдорида инвестиция киритиш мажбурияти юклатилади.

**Давлат активини балансда сақловчи:** Қувасой шаҳар ҳокимлиги.

**Балансда сақловчининг ихтисослиги:** Бошқарув.

2. Тошлоқ туман ҳокимлиги балансидаги, Тошлоқ тумани, Ахшак ҚФЙ, Сирлимасжид маҳалласида жойлашган, бошланғич баҳоси 85 891 513 сўм бўлган ҳаммом бино-иншоотлари (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади.) қўйилмоқда.

Танлов савдоси ғолибига 1(бир) йил давомида 30 000 000 (ўттиз миллион) сўм миқдорида инвестиция киритиш мажбурияти юклатилади.

**Давлат активини балансда сақловчи:** Тошлоқ туман ҳокимлиги.

**Баласда сақловчининг ихтисослиги:** Бошқарув.

Танлов савдолари 2012 йил 12 ноябрь куни соат 15:00 да бўлиб ўтади.

Танлов савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари саот 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 12 ноябрь куни соат 12:00.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Савдо ташкилотчиси" "КМСХ" МЧЖ Фарғона вилоят филиалининг "Халқ банки" Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011. МФО: 00497, СТИР: 207122519.

Танлов савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузулгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган сумманинг тўланишини таъминлайди.

Танлов савдолари манзили: Фарғона ш., Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй.

Танлов савдоларини ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Фарғона ш., Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz Тел: (8-373)224-68-69. Лицензия№RR-0001

***Ўзбек футболи учун ҳозирча Ўзбекистон миллий терма жамоасининг Жаҳон чемпионатида иштирок этиши орзу бўлиб турган бўлса-да, ёшлар ва ўсмирлар терма жамоаларимиз аллақачон кичик мундиаллар "ҳавоси"дан баҳра олиб улгуришди. Айниқса, 2011 йилда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Мексикада бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этиб, кучли саккизталикка кирди. Ана шунинг ўзи ҳам мамлакатимизда футболга, хусусан, болалар футболига берилаётган юксак эътибор самарасидир.***



# Ўсмирларимиз Осиё чемпиони

**Мақсудали ҚАМБАРОВ,**
«Ниqиq»

Ҳозирда турли ёшдаги терма жамоаларимиз олдига мусобақаларда шунчаки қатнашиш эмас, чемпионлик учун курашиш, олимпиада ва Жаҳон чемпионатлари йўлланмасини қўлга киритиш талаби қўйилмоқда. Айни дамда Ўзбекистон миллий терма жамоасининг олдида 2014 йили Бразилияда ўтказиладиган Жаҳон чемпионатида қатнашиш учун саралашнинг сўнгги босқичини муваффақиятли босиб ўтиш вазифаси турибди. Зиммасига Жаҳон чемпионатига чиқиш вазифаси юкланган Дилшод Нуралиев бошчилигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Эронда ўтказилган Осиё чемпионати(U-16)да муваффақиятли иштирок этиб, терма жамоаларимиз тарихида илк бора Осиё чемпиони деган номга сазовор бўлишди.

Келинг, уларнинг чемпионлик учун босиб ўтган йўлларига бир назар ташлаймиз. Даставвал ўсмирларимиз гуруҳ баҳсида ҳиндистонлик тенгдошлари билан куч синашиб, 3:2 ҳисобида ғалаба қозонишди. Ёдингизда бўлса, вакилларимиз саралаш ўйинларида Ҳиндистон ўсмирлар терма жамоасини йирик ҳисобда мағлуб этган эди. Ўша ўйиндан кейин ҳиндлар жамоамизни жиддий ўрганиб чиқишган кўринади. Бошқа томондан Нуралиев шогирдлари рақибни унчалик ҳам менсимаган бўлиши ҳам мумкин. Шу сабабдан ҳам бу ўйинда ўсмирларимиз қийин бўлган ғалабага эришишди.

Гуруҳ баҳсининг иккинчи турида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасини анчагина жиддий рақиб кутиб турган эди. Гап шундаки, хитойликлар йирик мусобақаларда иштирок этиш борасида тажрибали жамоа ҳисобланади. Хитой ўсмирлар терма жамоаси 6 марта Жаҳон чемпионатида иштирок этган. Мана шу маълумотларнинг ўзиёқ вакилларимизга осон бўлмаслигидан далолат берарди.

Ўйин кутилганидек кескин ва муросасиз руҳда кечди. Учрашувнинг 15 дақиқасида Жамшид Болтабоев жарима зарбасини аниқ амалга ошириб, ҳисобни очди. Биринчи бўлим якунланиши арафасида Ху Жингхангнинг зарбасини дарвозабонимиз қайтара олмади. Ўйиннинг қолган дақиқалари тўлиқлигича вакилларимиз устунлиги остида ўтган бўлишига қарамай, улар рақиб дарвозасини бошқа ишғол эта олишмади ва гуруҳдаги иккинчи ўйин дуранг билан хотима топди.

Сўнгги учрашувда кутилмаганда суриялик тенгдошларига мағлуб бўлган ўсмирларимиз паралел равишда кечган ўйинда Ҳиндистон ўсмирлар терма жамоасининг сўнгги дақиқаларда хитойликлар дарвозасига киритган иккинчи голи эвазига гуруҳда иккинчи ўринни қўлга киритиб, кейинги босқичга чиқишди.

Жаҳон чемпионати йўлланмаси учун кечган финалга тенг баҳсда Дилшод Нуралиев шогирдларини чемпионлик учун асосий даъвогар ҳисобланган Жанубий Корея ўсмирлар терма жамоаси кутиб турарди. Тўғрисини айтганда, гуруҳ баҳсларининг охиргисида суриялик тенгдошларига мағлуб бўлган ўсмирларимизнинг кореяликлар тўсиғидан ўтишига унчалик ҳам ишонмагандим. Бироқ ёш футболчиларимиз ўйиннинг бошиданоқ кучли рақибдан чўчимасликларини исботлаб, ҳужумкор ўйин кўрсата бошлашди. Ўзимизникиларнинг тарафини олиб, мақтаяпти деманг-у, назаримда, вакилларимиз рақибларидан кўра кучлироқ ўйин кўрсатишди. 1:0 ҳисобида олдинда бораётган футболчиларимиз ўйин сўнггида бирозгина бўшашгани сабаб қўшимча дақиқаларда кореяликлар гол киритиб, ғолиб номи пенальтилар сериясида аниқланадиган бўлди. Бу борада омад Ўзбекистон ўсмирлари тарафида бўлди. Дарвозабонимиз рақибларнинг биринчи зарбасиниёқ қайтариб, жамоадошларига руҳий устунлик туҳфа этди. 11 метрлик жарима зарбасини амалга оширган футболчиларимизнинг барчаси мўлжалда адашишмади. Шу тариқа кейинги йили Бирлашган Араб Амирликлари яшил майдонларида ўтказиладиган ўсмирлар ўртасидаги Жаҳон чемпионати йўлланмаси қўлга киритилди.













Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ярим финалда майдон эгаларига қарши баҳс олиб боришди. Ана шу ўйинда ўсмирларимизнинг мусобақага руҳий жиҳатдан яхши тайёргарлик кўрганликлари яққол кўзга ташланди. Сабаби, ўйиннинг дастлабки дақиқаларидаёқ эронлик футболчининг жаримадан йўллаган зарбаси ҳимоячиларимиздан бирига теккан ҳолда дарвозамиздан жой олди. Авваллари терма жамоаларимиз ёки клубларимиз тезкор гол ўтказиб юбориб, руҳан синиб қолишарди. Бироқ ўсмирларимиз тушкунликка тушиб қолмай, ҳужумга зўр беришди ва кўп ўтмай ҳисобни тенглаштиришди. Кейин эса бирин-кетин икки маротаба рақиб дарвозасини ишғол қилиб, биринчи бўлимни 3:1 ҳисобидаги ғалаба билан якунлашди.

Иккинчи бўлимда, табиийки, ўз майдонида мағлуб бўлишни истамаган Эрон ўсмирлар терма жамоаси аъзолари катта куч билан олдинга ташланишди. Ўз навбатида Дилшод Нуралиев шогирдлари қарши ҳужумлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишди. Якунда майдон эгалари ҳисобни битта голга қисқартиришга эришдилар, холос.

Финал. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ўз тарихида иккинчи бор Осиё чемпионати финалига етиб келди. Ёдингизда бўлса, 2010 йили Тошкент мезбонлик қилган Осиё чемпионатида Алексей Евстафеев шогирдлари финал баҳсида Шимолий Корея ўсмирлар терма жамоаси билан куч синашиб, 2:0 ҳисобида мағлуб бўлишганди. Ўшанда ўйинга эронлик ҳакамнинг қаттиққўллик билан чиқарган қарори, яъни асосий ҳимоячимиз Сардор Раҳмоновга кўрсатган қизил карточкаси салбий таъсир ўтказган эди.

Орадан икки йил ўтиб, Дилшод Нуралиев бошчилигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси финалда ғалаба қозонишни уддалади.

Учрашувнинг 6-дақиқасида дарвозамиз ишғол қилинганида хавотирланганимиз рост. Аммо ярим финалда ҳам ўсмирларимиз тезкор гол ўтказиб юбориб, кейин ўйин тизгинини ўз қўлларига олишган ва якунда ғалаба қозонишган эди. Айнан шу нарса мухлисларни бироз тинчлантирарди. Тўғри, биринчи бўлимда вакилларимиз бунинг уддасидан чиқа олишмади. Иккинчи бўлимнинг 6-дақиқасида эса, терма жамоамиз ҳужумчиси Акобир Тўраев ўзининг ишончли ҳаракатлари билан ҳисобни тенглаштирди. Ушбу ҳисоб ўйин сўнггига қадар сақланиб қолгач, пенальтилар сериясига мурожаат қилишга тўғри келди. Қувонарлиси, бу гал ҳам футболчиларимиз япониялик тенгдошларига 11 метрлик жарима зарбаларини қандай амалга ошириш бўйича сабоқ бериб қўйишди. Аслида кун чиқар юрт вакилларининг муваффақиятсизлигига дарвозабонимиз Сарвар Каримов томонидан амалга оширилга чиройли сейфлар сабаб бўлди. У рақибларнинг биринчи зарбасиниёқ қайтариб, япониялikларни руҳий жиҳатдан синдириб қўйди.

Айнан унинг саъй-ҳаракатлари сабаб рақибларнинг икки аниқ зарбаси бартараф этилди. Учинчисини эса, рақибларнинг ўзи ноаниқ бажаришди.

Умуман, футболчиларимизнинг барчасига раҳмат. Улар Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишди.

Энди Дилшод Нуралиев бошчилигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳақида фикр-мулоҳазаларимизни билдирсак. Ҳозирги ўсмирларимизда бундан икки йил аввалги Алексей Евстафеев шогирдларидан фарқли равишда яққол етакчи футболчи кўзга ташланмади. Евстафеев бошқарувидаги ўсмирлар терма жамоасида Аббосбек Махсталиев майдонда жамоа ўйинини бошқариб борарди. Жамоа ўйинини ташкил қилиш айнан унинг зиммасида эди ва у буни жуда яхши уддаларди. Ҳозирги ўсмирлар термамизда эса, деярли тенг кучли футболчилар жамланган. Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида ҳам Дилшод Нуралиев жамоаси мусобақага руҳий жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрганлиги яққол кўзга ташланди. Айнан шу жиҳат муваффақиятлар гарови бўла олди, десак адашмаган бўламиз. Шунингдек, ҳар бир футболчимиз майдонда бор кучи ва шижоати билан ҳаракат қиляпти. Уларда ғалабага бўлган чанқоқлик жудаям юқори эканлиги кўриниб турибди.

Бундан ташқари, футболчиларимиз якка курашларда рақибларидан устунликка эриша олишяпти. Ёш футболчиларнинг ўзига бўлган ишончи жуда юқори. Бу яхши, албатта. Фақат келгуси йили Жаҳон чемпионатида ҳам муносиб иштирок этиш учун комбинацион ўйинни шакллантириш керак. Ҳамма яхши биладики, футбол жамоавий ўйин. Унда фақатгина индивидуал ҳаракат ҳисобига ғалабага эришиб бўлмайди. Ўйлаймизки, қолган вақт мобайнида Дилшод Нуралиев шогирдлари билан жиддий тайёргарлик олиб боради ва унинг жамоаси БАА майдонларида ҳам юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишади.

Яна шуни айтмоқчимизки, ўсмирларимизнинг Осиё чемпионатидаги муваффақиятлари ўзбек футболининг 100 йиллигига муносиб совға бўлди.

**Huquq**
yuridik gazeta

Muassis:
**O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi**

Bosh muharrir:
***Jahongir MAKSUMOV***

Tahrir hay`ati:
Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV, Gulnoza RAHIMOVA, Yusupboy G`OIPOV, Svetlana ORTIQOVA, Baxtiyor NAZAROV *(Bosh muharrir o'rinbosari)*, Shavkat YODGOROV *(mas'ul kotib)*

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53
Faks: 233-10-53, 233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Ⓣ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-5505. 45 977 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: O`.DEHQONOV
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O`.DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.